



## ПОЙТАХТ АҲОЛИСИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ, ЭКОЛОГИЯСИНИ ЯХШИЛАШ ВА СИФАТЛИ БОШҚАРУВ БЎЙИЧА ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 16 декабрь куни ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш ҳамда келгусидаги вазифаларни фаоллар иштирокида белгилаб олиш учун Юнусобод туманига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент шаҳри Юнусобод туманида барпо этилган йирик қувватли когенерация станцияси фаолияти билан танишди.

Пойтахтда аҳоли ва иқтисодиёт объектларини қиш мавсумида иссиқлик энергияси билан барқарор ва узлуксиз таъминлаш мақсадида бир вақтнинг ўзida электр ва иссиқлик ишлаб чиқарадиган бир қатор замонавий когенерация қурилмалари ишга туширилмоқда.

Юнусобод туманидаги 4-иссиқлик маркази ҳудудда давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилган, қуввати 100 МВт бўлган мазкур лойиҳа ана шундай муҳим ташаббуслардан биридир.

Хитойнинг "CNTIC" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳа 3,5 гектар майдонда жойлашди. Уни молиялаштириш учун 65 миллион доллар тўғриван тўғри хорижий инвестиция йўналтирилди.

Давлатимиз раҳбари марказнинг иш жараёни билан танишди.

Когенерация иншоотиغا Буюк Британиянинг "Rolls-Royce" компаниясининг 70 та газ-поршень ускуналари ўрнатилди.

Қозонхоналардан истеъмолчиларгача бўлган иссиқлик таъминоти инфратузилмаси реконструкция қилинди. Иссиқлик магистраллари янгиланди. Тармоқлар изоляцияли

кувурлар билан алмаштирилди. Бу эса турли даражадаги энергия йўқотишларининг олдини олиш имконини беради.

Марказ ишга туширилиши натижасида йилга 876 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 858 минг гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга, йилга 35 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинади.

Эндиликда пойтахтнинг Юнусобод, Олмазор, Шайхонтоҳур, Мирзо Улуғбек ва Яққасарой туманларида жойлашган жами 1 минг 846 та объект доимий иссиқлик энергияси билан таъминланади. Уларнинг 1 минг 400 таси аҳоли хонадони, қолган қисми эса ижтимоий соҳа объектлариники. Шунингдек, 292 минг хонадонга электр энергияси барқарор етказиб берилди.

Лойиҳа ишга тушиши билан иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатлар 40-45 фоизга камаяди. Атмосферага чиқадиغان ифлослантирувчи моддалар миқдори сезиларли даражада қисқариб, оқова сув ташланмалари юзага келмайди.

Шу ернинг ўзida Президентимиз куз қиш мавсумига тайёргарлик бўйича амалга оширилган ишлар ва иссиқлик марказларини ривожлантириш, Тошкент иссиқлик электр

станциясини модернизация қилиш, пойтахтда ободонлаштириш ишларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар, шунингдек, анормал совуқ шароитида хизматга жалб этиладиган куч ва воситаларни тақсимлаш юзасидан тақдимотлар билан танишди.

Пойтахтда 11 минг 630 та кўп қаватли уй бор. Уларга 358 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатишмоқда. Давлатимиз раҳбари уларнинг мавсумга қай даражада шайлиги билан қизиқди.

— Шаҳар шароитида бошқарув сервис компаниялари фаолияти аҳоли ҳаёти билан узвий боғлиқ. Шу боис, улар соат механизмидай аниқ, узлуксиз ишлаши керак. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Эндиликда соҳа ходимларининг дунёқараши ва ёндашуви ҳам ўзгариши лозим. Аҳолининг ҳолидан хабар олиш, кўп қаватли уйлارнинг ертўла ва том қисмларини, йўлақлар ва ўйин майдончаларини тартибли сақлаш зарур, — деди Президент.

Шунингдек, энергетика, ободонлаштириш, қурилиш ва сервис тармоқлари масъуллалиги мавсум давомида тизимли ва мувофиқлашган ҳолда ишлаш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Юнусобод туманида жойлашган "Юнусобод галереяси"

савдо, хизмат кўрсатиш ва бизнес марказига ташриф буюрди.

Икки ярим гектар майдонни эгаллаган ушбу йирик мажмуада 53 минг квадрат метрдан зиёд савдо ва тижорат майдонлари ташкил этилган. 14 миллион долларлик хорижий инвестиция ҳисобига қатор хорижий брендлар ўз фаолиятини йўлга қўйган.

Умуман олганда, мажмуада 100 дан ортқ савдо нуқталари очилиб, 500 га яқин иш ўринлари яратилган. Марказга йилга 2,5 миллион нафаргача ташриф буюрувчи келиши кутилмоқда.

Лойиҳа қиймати 43 миллион доллар бўлган ушбу мажмуанинг архитектура-дизайн ечими жорий йил МДХ давлатлари ўртасида ўтказилган халқаро меъморчилик танловида биринчи ўринни эгаллаган.

Президент шу ерда очилган китоб дўконида нашриётлар вакиллари ҳамда китобхон ёшлар билан суҳбатлашди.

Китоб савдосини ривожлантириш, умуман олганда, мутлола маданиятини болаликдан бошлаб кенг оммалаштиришнинг муҳимлиги, шунингдек, илмий ва бадиий адабиётлар нашрини кенгайтириш, бу борада нашриётларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Пойтахт фаоллари, нурунийлар ва ёшлар билан самимий суҳбат бўлиб ўтди.

— Барча соҳаларда эришилаётган натижалар, аввало, юртимиздаги тинчлик ва халқимиз ҳамжиҳатлиги самарасидир. Пойтахтимиз кун сайин обод ва кўркем қиёфа касб этмоқда. Бунинг учун келаятган меҳмонлар ҳам алоҳида эътироф этмоқда. Бирдамликда гап кўп. Унинг илдизи, энг аввало, маҳалларимизда. Адолатли баҳонини ҳам халқнинг ўзи, шу маҳалла беради. Шунинг учун одамларни рози қилишга қаратилган ишларимизни энг кўйин бўғиндан бошладик, — деди Президент.

Марказга ташриф доирасида давлатимиз раҳбарига шу ерда фаолият юритаётган "Unicon-Soft" АТ компанияси фаолияти тақдим этилди.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасида яратилган қўлай шарт-шароит ва имтиёзлар натижасида давлат бошқарувини рақамлаштириш, алоқа инфратузилмасини яхшилаш, АТ таълимини ривожлантириш каби кўплаб йўналишларда миллий дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг иштироки изчил кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини

самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида мувофиқ соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилишнинг асосий йўналишлари белгиланган.

Ушбу жараёнга Юнусобод туманида фаолият юритаётган "Unicon-Soft" компанияси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. 2017 йилда ташкил этилган корхона шу кунга қадар республика бўйлаб 70 дан ортқ дастурий тизим ишлаб чиққан ва жорий этган.

Компаниянинг барча ҳудудлар ҳамда 208 та туман (шаҳар)ларда ахборот тизимларини жорий қилиш ва техник қўллаб-қувватлаш бўйича филиаллари мавжуд. Уларда 1,5 мингдан ортқ ходим фаолият юритмоқда, шундан 80 фозини ёшлар ташкил этади.

Айни пайтда "Unicon-Soft" томонидан рақамлаштириш йўналишида дастурий ва техник воситалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, божхона фаолиятини рақамлаштириш, шунингдек, "Рақамли маҳалла" платформасини жорий этиш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари компаниянинг ушбу йўналишидаги лойиҳалари тақдироти билан танишди.

➔ Давоми 2-бетда



### Ислохот одимлари

## ИНСОН КЕЛАЖАГИГА ҚУРИЛАЁТГАН ИШОНЧ

2025 йил ҳам ниҳоясига етиб бормоқда. Йил якуни дегадана, ақсарият инсонлар кўз ўнгида ўтган вақтнинг сарҳисоби, ортда қолган кунлар, қилинган ишлар ва чиқарилган ҳулосалар жонланади. Бу паллада инсон табиий равишида атрофга назар ташлайди, ҳаётдаги ўзгаришларни ҳис қилади.

Кеча иқтисодий жиҳатдан қийналиб юрган танишингиз бугун аҳволини яхшилаб, барқарор даромад манбаига эга бўлганини кўрасиз. Йиллар давомида чет элнинг миннатли ошини еб, оиласидан узоқда тирикчилик қилган юртдошингиз эса энди ўз юртида тадбиркорлигини бошлаб, меҳнати билан рўзгорини тикляпти. Яна кимдир йиллар давомида юрагидан олиб юрган, аммо амалга ошмай келган орзуларига етаётганини ҳис қиласиз — уйли, ишли

бўлди, шу тарика келажакка ишончи мустаҳкамланди. Шунда инсоннинг дили ёришади. Чунки улар энди камбағаллик деган тушунча билан эмас, балки меҳнати, ташаббуси ва иродаси билан юртининг фахри, жамиятининг юзи сифатида тилга олинаётганини англайсиз. Бу ўзгаришлар рақамларда эмас, балки одамлар тақдиринда намоён бўлаётган тараққиёт манзарасидир.

➔ Давоми 3-бетда

### Йил сарҳисоби

Ҳозир саяҳат қилиш бойларгагина хос машғулот ёки йиллаб пул тўплаб, амалга ошириладиган орзу эмас. Исталган киши даромадининг бир қисмини ажратиб, дам олиш, соғлигини тиклаш, табиат гўзаллиқларидан баҳра олиш ёки бошқа мақсадда тез-тез саяҳатга отланиши одатий ва оддий ҳолга айланди. Бир йилда камида битта давлатга бориш ҳозир урфда!

## ЗАМОНАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛЛАР САЙЁҲЛАРНИ ОБОД МАНЗИЛЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА




Бу мақтанлиш ёки кўз-кўз қилиш учун эмас, шунчаки юртдошларимиз ҳам ишлаганига яраша дам олишни, саяҳатдан завқланишни, фақат моддий орзу-ҳаваслар эмас, балки мароқли ҳордиқ чиқариш учун маблағ ажратишни бошлади. Бир-бирига ҳавас қилиб, "мен ҳам мана шу жойга бормасам бўлмайди", дейишлар ҳам

яхшилиққа, ҳар ҳолда саяҳат қилган одам ютқазмайди, ҳеч бўлмаганда янги манзилни кўриб, таассуротлар олади.

Хуллас, саяҳатнинг фойдали жиҳатлари кўп. Муҳими, юртдошларимизни бунга рағбатлантираётган омиллардан бири фаровонликнинг ошиб бораётгани билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан, кейинги

йилларда мамлакатимизда сайёҳлик йўналишида яққол кўзга ташланаётган ўзгаришлардир. Яъни ички туризм салохияти ошиб бораётган. Одамлар нафақат хорижий давлатлар, балки юртимиз бўйлаб саяҳат қилишга ҳам қизиқмоқда.

➔ Давоми 4-бетда



### Огаҳий издошлари

## МИЛЛИЙ АДАБИЁТ — МИЛЛАТ ҚАЛБИ ВА РУҲИЯТИ КЎЗГУСИ

# ПОЙТАХТ АҲОЛИСИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ, ЭКОЛОГИЯСИНИ ЯХШИЛАШ ВА СИФАТЛИ БОШҚАРУВ БЎЙИЧА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

## Бошланиши 1-бетда

Миллий АТ маҳсулотлар ишлаб чиқариши янада ривожлантириш, ёшларнинг сунъий интеллект технологиялари соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, давлат идораларида рақамлаштириш жараёнларини жаддалаштириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, Президентимиз Рихсийил кўчасида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари ва замонавий инфратузилмани кўздан кечириди.

Кўчанинг икки километрлик қисмида муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси тубдан янгиланди. Шунингдек, 24 соат фаолият юритиладиган савдо, умумий овқатланиш ҳамда кўнгилчоқар объектлар ташкил этилди. Натигада 650 та янги иш ўрни яратилди.

Худудда кунига ўртача 35 мингга яқин автотранспорт воситаси ҳаракатланади. Бунинг ичига олган ҳолда, аҳоли хавфсизлиги ва ҳаракат қулайлигини таъминлаш чоралари кўрилди. Жумладан, 39 минг квадрат метр пиледалар йўлакларига барпо этилди. Юзга яқин видеокузатув камералари ҳамда ўнга яқин фавкуллода чақурув турмалири ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Хукукни муҳофаза қилиш академиясининг янги биноси ва ўқув-илмий фаолияти билан танишди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 28 ноябрдаги “Жиноятлари тергов қилиш соҳасида малака кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги фармони доирасида бош прокуратура Академиясини негизда Ўзбекистон Республикаси Хукукни муҳофаза қилиш академиясини ташкил этилган эди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 28 ноябрдаги “Жиноятлари тергов қилиш соҳасида малака кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги фармони доирасида бош прокуратура Академиясини негизда Ўзбекистон Республикаси Хукукни муҳофаза қилиш академиясини ташкил этилган эди.

Академия қисқа вақт ичида тор ихтисослашган таълим муассасасидан прокуратура ва тергов-суриштирув органлари учун кадрларни ягона ёндашув асосида тайёрлайдиган, таълимнинг узлуксиз тизимига эга бўлган, тўлақонли ихтисослаштирилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасига айланди.

Академиянинг профессор-ўқитувчилари ва бошқарув ходимлари таркиби прокуратура, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, илмий ва экспертлик муассасаларида амалий тажрибага эга малака кадрлар билан тўлдирилди.

Утган даврда Академияга бириктирилган худуддаги инфратузилма изчил кенгайтирилиб, беш қаватли маъмурий бино, замонавий ошхона, меҳмонхона ва талабалар учун қорковорик майдони қайтадан барпо этилди ҳамда конференц-зал, кутубхона тубдан реконструкция қилинди.

Бундан ташқари, 2 та ўқув корпуси ва 2 та ётоқхона бинолари қайта таъмирланиб, таълим олувчиларни қамраб олиш имкониятини икки бараварга оширилди. Ҳозирда эса очилган ва ёпиқ спорт мажмуаларининг қурилиши давом этмоқда.

Назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида криминалистика полигонлари, суд процесси имитацияси учун махсус

заллар, Гезелл ойнаси билан жиҳозланган сўроқ ва таниб олиш хоналари, киберполигон, “даркнет” ва суд-экспертizasи лабораторияларидан иборат жами 12 та махсус хона барпо этилди.

Академияда олий таълимнинг икки босқичли тизими — бакалаврият ва магистратура йўлга қўйилган. 2023/2024 ўқув йилидан мамлакатимизда илк мартаба “Турли тизим — ягона ёндашув” тамойили асосида бакалавриятнинг “Тергов фаолияти” ва “Прокурорлик фаолияти” таълим йўналишларида ўқув жараёни ташкил этилди. Кибержиноятларга қарши курашишга йўналтирилган “киберпрокурор” ва “кибертерговчи”ларни тайёрлаш учун келгуси йилдан бошлаб “Киберхуқуқ” бакалаврият йўналиши ташкил этилади.

Магистратурада “Тергов фаолияти”, “Прокурорлик фаолияти” шунингдек, миллий таълим тизимида ягона бўлган “Коррупцияга қарши кураш фаолияти”, “Инсон ҳуқуқлари оид халқаро ҳуқуқ” мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб, “Киберхавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш” мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланади.

Малака оширишнинг сифат жиҳатидан янги тартиби жорий этилиб, прокуратура ва тергов органлари ходимларининг ҳар уч йилда камидан бир марта узлуксиз малака ошириш тизими йўлга қўйилган.

Прокуратура органларининг раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш, янги қабул қилинган ходимларнинг бошланғич ихтисослашувини таъминлаш, ваколатли органлар суриштирувчи ва терговчиларини қайта тайёрлаш бўйича янги тизим яратилди.

Масофавий ва аралаш курслар ҳамда ходимларнинг эҳтиёжларига асосланган таълимнинг электрив модели қўлланиб келинмоқда. Бу — ҳар бир ходимга бутун хизмат фаолияти давомида шахсий таълим траекторияси бўйича ўз малакасини узлуксиз ошириб бориш имконини яратди.

Портал орқали масофавий ва аралаш курсларни сунъий интеллект технологиялари асосида жорий этиш йўлга қўйилди. Бунда сунъий интеллект асосида яратилган виртуал ассистент ва ҳақиқий тергов амалиётида учрайдиган муаммоларни вазиятларни акс эттирган рақамли симуляция видеолари кенг қўлланилмоқда.

Аҳолига бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш учун юридик клиника ва махсус электрон платформа фаолияти йўлга қўйилган. Бу фаолият талабалар жалб этилиб, тажрибали мутахассислар раҳбарлигида амалий кўникмаларини шакллантирмоқда.

Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази ташкил этилган. Мазкур йўналишда магистрларни тайёрлаш, шунингдек, илмий кенгаш фаолиятини илмий услубий жиҳатдан таъминлаш йўлга қўйилди.

Кибержиноятчилик ва бошқа глобал таҳдидларга қарши курашиш ҳамда бу борада малакали мутахассисларни тайёрлаш мақса-

дида ўтган йилда Президентимизнинг тегишли қарорлари асосида Академия таркибидан Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

Аҳамиятисиз, замонавий киберлабораторияда 439 та мураккаб рақамли тадқиқот ва экспертиза ўтказилиб, 189 та кибержиноят фош этилган.

Академиянинг лойиҳа офисида АҚШ, Япония, Германия, Жанубий Корея, Россия, Словения ва Швеция каби давлатлардан жалб қилинган экспертлар ҳамкорлигида 15 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Академияда 10 та ихтисослик бўйича илмий даражаларини берувчи кенгаш фаолият олиб боради. Шундан “Коррупция муаммолари” ихтисослиги бўйича илмий кенгаш мамлакатимизда ягона бўлиб ҳисобланади. Академиянинг илмий салоҳияти уч йил ичида 26 фоиздан 67 фоизга етказилди.

Президентимиз Академиянинг суд процесси имитацияси учун махсус заллари, сўроқ ва таниб олиш ҳамда бошқа ихтисослаштирилган хоналари, ахборот-ресурс марказида яратилган замонавий шартнослар билан танишди, талабалар билан мулоқот қилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш, шаҳар муҳитини яхшилаш ва муносива яшаш шартносларини яратиш масалалари юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Авалло, пойтахтда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Сўнгги йилларда шахарда улкан ўзгаришлар рўй бергани таъкидланди.

Утган тўққиз йилда Тошкент шаҳри иқтисодиётига 20 миллиард доллардан ортиқ тўғридан тўғри хорижий инвестиция киритилди, 5 мингга яқин иририк лойиҳа ишга тушди. Жон бошига тўғридан тўғри хорижий инвестиция 2017 йилдаги 71 доллардан 2,2 минг долларга ошди.

Бунёдкорлик ишлари, янги қурилган савдо-сервис ва кўнгилчоқар объектлар “тунги иқтисодиёт”ни ривожлантирди. Туну кун ишлайдиган савдо ва хизмат кўрсатиш объекларининг сони 3 мinggaдан ошди.

Тошкентта 1 мингта замонавий электробус ва автобус олиб келиниб, 168 та янги йўналиш очилди. Қўшимча 33 километр метро линияси ва 21 та янги станция қурилди. Яшнобод, Миробод, Сергели, Янгиҳаёт ва Юнусободдаги 1 миллионга яқин аҳолига метро хизматлари яқинлашди.

Умуман, пойтахт иқтисодиёти охириги тўққиз йилда 2,5 баробар ўсиб, жорий йил 27 миллиард долларга етди. Аҳоли жон бошига даромад эса 4,4 минг доллардан 8,6 минг долларга кўпайди.

Натигада камбағаллик даражаси йил бошидаги 7,3 фоиздан 1 фоизга, ишсизлик эса 4,5 фоиздан 3,5 фоизга пасаяди. Янги Тошкент шаҳрида камбағаллик ва ишсизлик табиий даражага тушди.

Тошкент шаҳрининг доимий аҳолиси ҳар йили ўртача 100 мингдан кўпайиб,

2030 йилда 3,5 миллиондан ошиши кутилмоқда. Шунингдек, ялпи ҳудудий маҳсулотни 52 миллиард долларга етказиш, жон бошига даромадини қариб 2 қарра ошириш режа қилинган.

Ушбу марраларга эришиш учун шаҳар ҳокими ва унинг ўринбосарлари, 12 та туман ҳокими тинимсиз изланиши, шаҳар уй-жой фонди, транспорт, энергетика, таълим ва тиббиёт, сервис инфратузилмаларини дунёнинг замонавий мегаполислари андозаси асосида қайта қўриб чиқиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу боис, шундай мегаполисларда раҳбар бўлган мутахассисларни ҳокимга маслаҳатчи қилиб олиб келиш бўйича таклиф маъқулланди. Уларнинг кўп йиллик тажрибасидан фойдаланиб, Тошкент шаҳрини молия, илгор технологиялар, маданият ва туризм марказига айлантириш кераклиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ҳали ечимини кутаётган масалалар кўпчилигини қайд этиб, янги ташаббусларни илгари сурди.

— Энг аввало, шаҳар аҳолисини ташвишга солаётган экология, юқори даромадли иш ўринларини яратиш ва сифатли бошқарув масаласида шаҳар масъуллари ёндашувини ўзгариштириш зарур.

— 2026 йил Тошкент шаҳри учун “Жадал ривожланиши ва аҳоли даромадлари ўсиши” йили бўлади. Бу гоғни рўбига чиқариш бўйича катта дастур амалга оширилади, — деди Президентимиз.

Пойтахт туманлари 3 та йўналишда ривожлантирилиб, 2026 йилда 9 миллиард доллар, икки йилда 20 миллиард доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция киритиш мақсади белгиланди.

Хусусан, Сергели, Янгиҳаёт, Бектемирда юқори технология сонаот ва логистика соҳалари “Энг нуқтаси” бўлади. Жумладан, келаси йили Сергелида майдони 120 минг квадрат метр бўлган 70 миллион долларлик замонавий агрологистика ва омборхона ишга туширилади.

Янгиҳаётдаги “Янги авлод” сонаот зонасида электротехника, тўқимачилик, автомобилсозлик ва озиқ-овқат соҳасида 2 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу сонаот зонаси Янгиҳаёт ва Бектемирдаги 640 гектар ер ҳисобидан кенгайтирилди. Бунинг ҳисобига умумий қиймати 3 миллиард долларлик экология талабаларига мос ва юқори технология янги лойиҳаларини бошлаш топирилиди.

Учтепа, Чилонзор, Яқсарой, Шайхонтоҳур ва Олмазорда хизматлар, креатив иқтисодиёт, диндан ва туризм асосий инвестиция йўналишларига айланди.

Мирзо Ўлғабек, Юнусобод, Миробод ва Яшнободда эса сунъий интеллект, стартап, молиявий технологиялар, молия, тиббиёт ва таълим соҳасида 1 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилади.

Жорий йилда шаҳардаги 26 та кўча туну кун ишлайдиган кўчаларга айлантирилди. Бу кўчаларда 1 минг 200 та савдо-сервис объектини жойлаштириш ҳисобига 5 минг аҳоли

даромадли бўлди. Келгуси йилда яна 18 та шундай кўча ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда пойтахтда 75 та мактаб ва шунча боғча, 23 та спорт объектларига эҳтиёж бор.

Туман ҳокимлари ўзлари маблаг жалб қилиб, ҳар йили 1 тадан мактаб, боғча ва спорт объектини қуриши, қолган 15 тадан мактаб ва боғча ҳамда 11 та спорт объекти инвестиция дастури доирасида қуриб берилиши белгиланди.

Шу йилдан Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида 1 тадан мактабда таълим сифатини ошириш бўйича “Тошкент тажрибаси” бошланди. Яъни 7-11-синфдаги 1,5 минг ўқувчи сараланиб, уларни АТ, тиббиёт, бизнес, муҳандислик каби йўналишларда ўқитиш йўлга қўйилди. Ўқувчиларнинг фанларини ўзлаштиришига қараб, ўқитувчиларига 20 миллион сўмгача ойлик маош тўланапти.

Бу тажрибани кенгайтириб, бундай мактаблар сонини келаси йили 24 тага, 2027 йилда эса 33 тага етказиш вазифаси қўйилди.

Энди йирик мегаполислар каби пойтахт-тимизда ҳам транспорт тизимини ягона ёндашув асосида бошқариладиган марказ фаолияти йўлга қўйилди. Бу марказ ҳар бир кўча, ҳар бир чорраҳада транспорт ва пиледалар оқимини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиб, тирбандлик ва йўл транспорт ҳодисасининг олдини олиш билан шугулланади.

Келаси йили пойтахтга киришдаги 2 та назорат пости шаҳар ташқарисига қўчилади, 3 таси реконструкция қилинади. Бу ерларда камидан 3,5 мингта юк ва 5,5 мингта энгил автотомобил учун тураргоҳлар ҳамда аҳоли учун кемпинглар барпо этилади.

Асосийси, бу нуқталарга жамоат транспорти тармоғи боғланади. Пойтахтга келаётган меҳмонлар автомобиллини шу ерда қолдириб, тез ва хавфсиз жамоат транспортда ҳаракатланиши мумкин бўлади.

Шаҳар ҳокимлигида келгуси йилда ягона бошқарув тизимига эга светофорлар билан жиҳозланган 100 та “ақлли” чорраҳани йўлга қўйиш, тадбиркорлар билан 30 мингта автотомобил тўхташ жойи қуриб, 300 та бекатни реконструкция қилиш, 40 километр пиёда ва 20 километр велойўлаклар қуриш, 100 километр йўлни таъмирлаб, Юнусобод ва Яшнободда йўл ўтказгич ва тоннель барпо этиш топирилиди. Келгуси йилда 200 та электробус олиб келиш вазифаси қўйилди.

Дунёнинг илгор шаҳарлари каби пойтахт-тимизда ҳам экология масаласининг долзарблиги ошмоқда.

Пойтахтнинг 4 та қисмида сунъий кўл ва ҳавзалар қуриш лойиҳаларини тайёрлаб, ишларини бошлаш топирилиди. 1 инонгча ҳар бир туманда 5 километрни 3 тадан соғли сайр кўчалари фойдаланишига топирилиди. Ҳар 10 та маҳалла учун 1 тадан яшил боғ барпо қилиш бўйича алоҳида дастур бошланади.

2026 йилда шаҳарда 18,5 километр канал қирғоқлари мустаҳкамланади. Бу жойларда

ҳам яшил ҳудудлар ва сайилгоҳлар ташкил қилиниши ҳозирдан йўлаш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, Бектемир, Сергели ва Янгиҳаётдан ўтган Чирчиқ дарёсининг 16 километр қисмини мустаҳкамлаш ҳисобига қўшимча 800 гектар оқимлади. Бу ерларда ҳам 200 гектарда “яшил белбоғ”, 250 гектарда ички йўллар, сайилгоҳлар, пиёда ва велойўлаклар қурилиши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Шаҳар дренаж тизимининг мастер-режаси ишлаб чиқилиб, келгуси йилдан қурилиш ишлари бошланиши эълон қилинди. Дастур доирасида 150 километр ёпиқ дренаж тизимини қуриш, 197 километр канал ва коллекторларни таъмирлаш, 63 километр янги каналлар барпо қилиш, шаҳарда салқин микроклимат яратиш режалаштирилган.

Емғир сувини йиғадиган 17 та ишоот барпо қилинади. Бу сувлар дароҳт ва яшил ҳудудларни сугоришига ишлатилади.

Пойтахтнинг барча коммунал ташкилотлари ва фавкуллода хизматлар туну кун ишлагани ўтиб, авариявий ҳолатларнинг олдини олиш ва тезлик билан бартароғ этиш билан шугулланиши, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ишларини кучайтириш бўйича топиришлар берилди.

— Пойтахт — давлатнинг сиёсий, маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Пойтахтнинг бошқариш, ривожлантириш ва муҳофаза қилиш бўйича ўзига ўзига ҳош ёндашувлар бўлиши керак, — деди Президентимиз.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳар кенгашига орттириб бажарилган даромадининг маҳаллий бюджетга қайтариладиган қисмидан 20 фоизини туманларга тақсимлаш ваколатини бериш, Тошкент шаҳар ва туман ҳокимлигига маҳаллий кенгашлар билан келишган ҳолда бўш маблагларни депозитга қўйишга рўхсат этиш таклиф қилинди.

Тошкент шаҳри фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгиловчи “Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг мақоми тўғрисида”ги қонуни қабул қилиш вақти келгани таъкидланди.

“Маҳалла еттилик”нинг самарасини оширишда пойтахт етгаки бўлиши кераклиги таъкидланди.

2026 йилдан Тошкент шаҳрида янги тизим жорий қилинади — “маҳалла еттилик” тўлиқ шаҳар ҳокимлиги иштирига ўтади.

“Еттилик” ҳисоботлар билан эмас, балки одамларнинг оғирини энгил қилиш билан шугулланиши зарур, — деди Президентимиз.


Йиғилиш давомида пойтахт ва унинг туманлари ҳокимларининг ҳисоботлари тингланди, тадбиркорлар билан мулоқот қилинди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Икром АБВАЛБОВЕВ,**  
**Абдулазиз РУСТАМОВ,**  
**Марҳабо ҲОЖИАҚБАРОВА,**  
**ЎЗА махсус мухбирлари**

# ДОНИШМАНДЛИК ФАСЛИГА КИРДИК



**Жуда кўп азиз инсонларнинг назари тушган, уларнинг захмати туфайли мухлислар орттирган “Саодат” журнали бугун кутлуг ёшга кирди. Юз ёш эл орасида донишмандлик фаслига хос бўлган даврди.**



**Мунаввара УСМОНОВА,**  
**“Саодат” журнали бош муҳаррири**

Бу ёруғ дунёда кўп яшаган, кўпни кўрган, кўпни бошидан кечирганларнинг ўрни бошқа. Ахир бежиз “Қари билганини пари билмас”, демайдилар. Қачондир, қай бир муносабат билан айтилиб, яшаб қолдим, демек, бу гапда ҳақиқат бўлади. Эҳтимол, сиз: “Бу гаплар инсонлар ҳақида айтилган, нимага журналга нисбат берпасиз?” дерсиз. Ахир журналлар, газеталар ҳам инсон меҳнатининг ҳосиласи-ку.

Бугун илк сон чоп этилганга бир аср бўлган “Саодат” журналининг таржимаи ҳолида не-не меҳнатлар, ибратлар, аъёналар бор. Сабр бор, шукроналик бор. Чунки унинг ҳаёт йўли ўзбек аёлиси бошбўта келётган йўлнинг бир қисмидир. Дастлабки йилларда “Янги йўл”, “Ёрқин турмуш”, “Ёрқин ҳаёт”, кейинчалик “Ўзбекистон хотин-қизлари” номи билан мухлислар қўлига етиб борган “Саодат” журналининг ўтмишдошлари саҳифаларига ҳалқимизнинг Тожихон Шодиева, Собира Холдорова, Хосият Тиллохонаева, Саодат Шамсиева, Фотима Ниёзова, Иқболон Акбархўжаева, Ойдин Собирова каби зиёли фарзандларининг қалб қўри, кўз нури тўқилди. Уларнинг аксарияти юртимизнинг илгор, истеъдодли кишилари қатори қатағонга учради. Биз бугун опа-сингилларимизнинг қалб қўзини очиб ниятида мақолалар,

маслаҳаттўйи, дўсти мақомига олиб чиқди. Фақат зиёлилар эмас, юртимизнинг чекка-чекка жойларида истиқомат қиладиган уй бекалари, онахонлар, чеварлик, пазандликка ишқибозлар ҳам журналнинг ҳар бир сонини ортиқиб кутарди.

Устоз шоира раҳбарлик қилган йилларда “Саодат” журнали бир авлод ижодкорларини ўз бағрида қамолга етказди ва аъёна ҳозирча қасдан сақланиб қолган. Бу даврда ҳукуматнинг қўллаб-қувватлови билан журналнинг адади ниҳоятда кўпайди. Бундай кўпмак эл, хусусан, аёллар орасида мутлола маданиятининг юксалишига сабабчи бўлди. Аъёналар давом этгани билан ҳар бир даврда “Саодат”нинг одамларни оҳанрабодек ўзига тортадиган ангилликлари ҳам бўлди.

Ўзбекистон ҳалқ шоири Ҳалима Худойбердиева даврида жамоа ҳаётга кўпроқ таҳлилий кўз билан қаради. Ҳаёт мураккаб-ликларидан юзага чиқиб келётган иллатлар илдизини очиб, ўз ўқувчиларини уйғоқликка, фикрлашга чорлади. Бу даврда “Саодат” опа-сингилларимизда курашчанлик руҳини кучайтиришга кўмақдош бўлди. Унинг мавзуларида, албатта, ҳар бир давр берган имкониятнинг ҳам ўрни бор.

Ўзбекистон ҳалқ шоири Ойдин Ҳожиева бош муҳаррирлик қилган йиллари журнал бир меҳнаткаш бўлиб, меҳнат аҳлининг ҳаётига кирди. Юрт кезди, эл қувончларини қувонди, ташвишларига бандқандан қараб эмас, кўнгилдош бўлиб шериклик қилди.

Кейинчалик бош муҳаррир ўринбосари Маҳмуда Саъдуллаева раҳбарлик вазифасини адо этганида ҳам, Феруза Жалилова бошқарган йилларда ҳам “Саодат”нинг фахр билан айтадиган кўп ютуғи бор: журнал истеъдодли ёшларни қамолга етказадиган, уларга “Оқ йўл” тилайдиган устозлик вазифасидан чекинмади. “Саодат” дарёсидан сув ичганлар бугун ҳам эл орасида, ҳамнафас, ҳаммаддам бўлиб кечагидан ҳам кўпроқ ғайрат билан ижод қилмоқда.

Аслида, “Саодат” қандай ном билан яшаб, қайси даврларда чоп этилган бўлса, барчаси аёл ижодкорлар учун парвоз майдони бўлган. Сўзлари қилиб, ўзлари хотирага айланган Саида Зуннунова, Хосият Лутфуллаева, Улиёбин Отаева, Турсуноя Солиқова, Санъат Маҳмудова, Ойниса Ортиқбоева, Энахон Сиддикова каби истеъдод эгаларининг қалами чархланишида онахон нашрнинг хизмати катта.

Бугун журналнинг вазифаси яна ҳам залворли. Урни келиб қолганида бир маълумотни айтишни жозибалимиз. Журнал муқовасида “Саодат”нинг рамзи сифатида чоп этиб келинаётган бир аёл сурати журналхонларга қадрли. Сочи шамолда ҳилпирлаган ва аёлнинг қиёфасида кўзи оҳанрабодек ўзига тортадиган бир ифода бор: балки у ботиний турткида интилиш чизилгандир. Эҳтимол, аёл, она бўлиб яшаш йўлидаги барча машаққатни енгишга тайёр турган куч-қудратдир. Эҳтимол, сўнмайидиган муҳаббат, синмайидиган сабр суратидир. Қайси даврларда кимларнингдир ихтиёри билан журнал муқовасидан олиб ташланган бу рамзини устозлар билан кенгашиб тиклаб қўйдик. Бу кўп журналхонлар истаги эгани келган мактублар, эйтирофлардан эл бўлди.



Бошланиш 1-бетда

Айнан шу манзаралар кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бош мезони — инсон ҳаётидаги амалий ўзгаришлар устувор эканини кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари бундан роппа-роса бир йил олдин — 2024 йил 16 декабрда банклар иштирокида маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадли қилишга қаратилган устувор вазифалар муҳокама қилинган видеоселектор йиғилишида: “Умуман, 2025 йил бандлиқни таъминлаш ва камбағалликдан чиқаришда энг муҳим ва ҳал қилувчи йил бўлади”, дея алоҳида таъкидлаган эди.

Бугун йил якунига етиб келар эканмиз, бу сўзлар ҳаётга асосга эга эканини аниқ рақамлар ҳам тасдиқламоқда. Жорий йил-



**Келгуси йили ҳудудларда 52 миллиард доллар қийматида саноат маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Маҳаллий тармоқларда эса 22 миллиард доллар қийматидаги 3,5 мингта лойиҳа амалга оширилиши кутилмоқда, бу эса тахминан 130 минг аҳолини доимий иш билан таъминлай олади. Умуман олганда, ҳар бир саноат лойиҳаси фақат завод ва цех эмас, балки минглаб инсонлар ҳаётига таъсир қиладиган муҳитдир.**

қадам ташлашга бўлган ишончи, “мен ҳам қила оламан” деган руҳи турибди. Чунки инсонга имконият берилса, у ҳаётини ўзи бунёд қилади. Давлатнинг бугунги ёндашуви ҳам ана шу: тайёр кўмак эмас, имконият бериш.

Ислохот одимлари



# ИНСОН КЕЛАЖАГИГА ҚУРИЛАЁТГАН ИШОНЧ



Сардор ТОЛЛИБОВЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

да мамлакатимизда камбағаллик даражаси 8,9 фоиздан 6 фоизга тушиши кутилмоқда. Келгуси йилда эса бу кўрсаткични 4,5 фоизгача қисқартириш мақсад қилинган. Бу натижалар тасодиф эмас — улар аниқ мақсад, изчил сиёсат ва энг муҳими, инсон салоҳиятига бўлган ишончи мевасидир.

Зеро, тараққиётнинг энг ишончли мезони — одамлар ҳаётидаги умид, ҳаракат ва ўзгаришдир. Агар инсон ўз келажагига ишонса, меҳнати билан ҳаётини ўзгариштириш имкониятига эга бўлса, демак, танланган йўл тўғри. Бугунги рақамлар ортда ҳам айнан шу ишонч, ирода ва инсонлар тақдирини тўрибди.

Камбағаллик бугун дунёда оддий молиявий танглик эмас, балки инсоннинг бор салоҳиятини тўлиқ намоён қилишга ҳалақат берадиган мураккаб ижтимоий ҳолат сифатида изоҳланмоқда. Агар бир инсон ўз истеъдодига йўл оча

Балиқ эмас, қармоқ узатиш. Меҳр-шафқат эмас, мустақил ҳаёт пойдеворини яратиш.

Ислохотлар таъсири энг оғир аҳволда бўлган ҳудудларда ҳам сезилмоқда. Ховос, Мирзаобод, Оқолтин, Дўстлик, Пахтакор, Фориш, Бўстон, Вобекенг, Миришкор, Мингбулоқ, Узун ва Пискент каби туманларда камбағаллик 4,5 баробаргача камайди. Бир пайтлар қийналиб яшаган 105 минг оиланинг даромади кўра бош-лаши инсон меҳнатига эътибор, унинг ҳаётига дахлдорликнинг амалдаги исботидир.

Жорий йил илк бор 1435 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудуд сифатида қайд этилди. Бу юзма-юз мулоқот сиёсати самараси. Инсоннинг дардини эшитиб, эҳтиёжга мос имконият яратиш ислохотларнинг энг теран моҳиятидир. Чунки ҳар бир маҳалла — жамиятнинг юраги, ҳар бир хонадон — унинг томири. Шу юрак ва томирда қувват бўлса, мамлакат соғлом ривожланади.

Келгуси йилда камбағаллик ва ишсизлик даражасини 4,5 фоиздан пастга тушириш вазифаси белгилаб қўйилди. Бу мақсад йўлида иқтисодийда 450 триллион сўм кредит йўналтирилиши, шундан 140 триллион сўми маҳаллалардаги кичик ва ўрта лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга сарфлангани минглаб янги имкониятлар эшиги очилганини аниқлаётди. Ҳар бир лойиҳа, ҳар бир иш ўрни, ҳар бир янги бизнес ортда инсон ҳаёти, орсуси, кучайган ишончни туради.

Ҳақиқат эса оддий: тараққиётнинг энг ҳаққоний ўлчоғи — инсон ҳаётидаги ижобий ўзгариш. Агар инсон ўз ҳаётида нур пайдо бўлганини ҳис қилса, фарзанди келажагига ишонса, меҳнати қадрланса, демак, давлат тўғри йўлдан бормоқда. Камбағалликка қарши кураш бугун фақат иқтисодий жараён эмас, балки инсон тафаккурини уйғотиш, унинг ички кучини рағбатлантириш, ишон-



**Маҳаллаларда 50 та саноат микромарказини ташкил этиш, 10 минг аҳолини доимий иш билан таъминлаш вазифаси юкланди. Марказлар инфратузилмаси учун 200 миллиард сўм ажратилади.**

Келаси йилда амалга оширилиши режалаштирилган 675 триллион сўмлик инвестиция лойиҳаларининг 380 триллион сўми курилиш ишларига йўналтирилади. Бу шахарлар ва қишлоқларнинг ташқи қиёфасини ўзгариштиришда ташқи минглаб инсонлар учун иш ўринлари, минглаб оилалар учун янги ҳаёт эшикларини очилишини аниқлаётди. Янада муҳимроғи — 140 минг хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилиши ҳар бир оиланинг ўз уйига эга бўлиш орсусини рўёбга чиқаради.

Ушбу жараён бевосита инсон тақдирини ўзгаритиради: қамида 20-25 минг киши курилиш соҳасида ишлаш бўлади, яратилган инфратузилма орқали яна 10 минг фуқаро учун даромад манбаи яратилади. Бу рақамлар оддий статистика эмас, балки минглаб оилаларнинг “эртага нима бўлар экан?” деган хавотирини ўрнига ишонч пайдо бўлаётганининг исботидир.

Яна бир муҳим қадам — 2026 йилдан маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун илк бор 20 триллион сўмнинг тўғридан тўғри ҳудудларга йўналтирилиши. Бундай замонавий ёндашув маҳаллаларда иқтисодий ҳаракатни кучайтирибгина қолмай, одамлар ҳаётида қўлайлик, ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлайди.

Ҳар бир маҳаллада барпо этиладиган янги мактаб, боғча, спорт ва ижод маркази, дам олиш маскани оддий иншоот эмас. Бу болаларнинг имконияти, ёшларнинг орсуси, оилаларнинг тинчлиги, кексаларнинг розилигидир. Шу боис, бунёдкорлик моддий қурилиш эмас, умид қурилиши, имконият қурилишидир.

Давлат ўз стратегиясини, ресурс ва йўналишларини аниқ белгилаб берди. Аммо бу ҳаракат самараси ҳар бир инсон ҳаётида кўринаётган ўзгаришларда намоён бўлади. Агар одамнинг кўнгли ёришса, ҳаёти енгиллашса, фарзандининг келажагига ишончи ортса, демак, ислохотлар бўш эмас, демак, давлат ҳақиқатан ҳам инсон учун ишлайтир.

## ХИЗМАТЛАР СЕКТОРИ — МАҲАЛЛА ИҚТИСОДИЁТИ ВА ОИЛА ФАРОВОНЛИГИНИНГ ЯНГИ ДРАЙВЕРИ

Бугунги глобал тараққиёт бир ҳақиқатни тобора яққолроқ намоён қилмоқда: иқтисодийнинг илгор ва барқарор ўсиши фақат завод-ишгоҳлар ёки йирик саноат корхоналари билан эмас, балки **хизматлар сектори қай даражада ривожлангани** билан ҳам белгиланади. Чунки хизмат кўрсатиш одамлар билан бевосита мулоқотда бўладиган, уларнинг эҳтиёжига, қунига, ҳаётига дахлдор энг тирик тармоқдир. Шу боис, кейинги йилларда юртимизда бу соҳа 3,5 баробар ўсгани тасодиф эмас. Бу одамларнинг эҳтиёжи, бозорнинг талабига мос келётган табиий ва зарур жараёндир. Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2025 йилнинг январь-октябрь ойларида бозор хизматлари ҳажми 818,5 триллион сўмга етиб, ўтган йилдагига нисбатан 14,4 фоиз ўсди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда таъкидлаган иккинчи йўналиш айнан **хизматлар соҳасини янада кенгайтириш**, уни маҳалла иқтисодиётининг асосий драйверига айлантиришдир. Чунки бу тармоқ аҳолини иш билан таъминлашнинг энг тез ва таъсирчан механизми. **Хизмат кўрсатиш бор жойда одам бор. Одам бор жойда эса эҳтиёж, ҳаракат, даромад, ривожланиш, дам, фаровон ҳаёт пайдо бўлади.**

Бироқ бугунги кунда мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш деб айта олаймиз. Туризм имкониятини юқори бўлган 150 та маҳалла инфратузилмаси яхшиланса, хизматлар ҳажми яна 10 триллион сўм ошириш, 45 минг аҳолини иш билан таъминлаш мумкинлиги

бунга яққол мисол. Демак, ҳали қўлга киритилиши кутилган улкан имкониятлар бор.

Келгуси йили ҳар бир маҳаллага инфратузилмани ривожлантириш учун 3-5 миллиард сўм йўналтирилади. Туман банклари эса меҳмон уйи очмоқчи бўлган оилаларга 150 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратади. Чегара ва анклав ҳудудларда йўллارни таъмирлаш, савдо-сервис объектиларни қуриш, дам олиш масканлари барпо этиш орқали аҳоли даромадини ошириш вазифаси қўйилди. Бу лойиҳалар учун 1 триллион сўм ресурс ажратилаётгани соҳанинг қай даражада муҳим эканини кўрсатади.

Шу билан бирга, соҳил ва йўл бўйларида сервис ривожлантирилиши учун 500 та маҳалла танлаб олинди. Ҳар бирда қамида бешта доимий иш ўрни яратиладиган лойиҳаларга 1 миллиард сўмгача кредит ажратилади. Бу йилнинг ўзида туну кун фаолият юритувчи 255 та кўча ташкил этилди, 11 мингдан ортиқ сервис нуқтаси иш бошлади ва 27 мингта яқин инсон ишли бўлди. Келгуси йили яна 200 та шундай кўча барпо этилиши режалаштирилмоқда — уларга 4 миллиард сўмгача инфратузилма маблағи ажратилади.

Нафақат ички бозор, балки миллий брендга айланган оғалтаниш, савдо ва сервис корхоналарининг юртнинг турли ҳудудларида 100-150 тадан филиал очиб режаси ҳам аҳамиятга. Дастур доирасида уларга молиявий

Давлатимиз раҳбари белгилаган учинчи йўналиш саноат лойиҳалари орқали доимий иш ўринлари яратиш, бу жараённи халқ ҳаётидаги ҳақиқий ўзгаришларнинг асосий драйверига айлантиришдир.

Шу боис, келгуси йили ҳудудларда 52 миллиард доллар қийматида саноат маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Маҳаллий тармоқларда эса 22 миллиард доллар қийматидаги 3,5 мингта лойиҳа амалга оширилиши кутилмоқда, бу эса тахминан 130 минг аҳолини доимий иш билан таъминлай олади. Умуман олганда, ҳар бир саноат лойиҳаси фақат завод ва цех эмас, балки минглаб инсонлар ҳаётига таъсир қиладиган муҳитдир.

Ҳозир 400 та маҳалла мебелчилик, тикувчилик ва хунармандликка ихтисослашган. Агар тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилса, ҳар бир маҳалла қамида 5-10 инсонни иш билан таъминлай олади.

Келаси йили туман ҳокимларига саноатта ихтисослашган маҳаллаларда 50 та саноат микромарказини ташкил этиш, 10 минг аҳолини доимий иш билан таъминлаш вазифаси юкланди. Марказлар инфратузилмаси учун 200 миллиард сўм ажратилади. Бу сармоя **фақат биналар ва жиҳозлар учун эмас**, балки ҳар бир ишчи учун замонавий технологиялар, қўлай муҳит ва барқарор даромадни таъминлайди.



кўмак кўрсатилиб, 2026 йилда бу мақсадга 500 миллиард сўм йўналтирилади. Янгидан ишчилар тайёрлаш харажатларини эса Бандлик жамғармаси қоплаб беради.

Шу жараёнларнинг барчаси бир ҳақиқатни тасдиқлайди: **хизматлар соҳасини ривожлантириш оддий иқтисодий масала эмас, балки маҳалла ҳаётини жонлантириш, оила даромадини ошириш, инсон қадрини юксалтиришнинг энг таъсирчан йўлидир.**

Сервис инсоннинг эҳтиёжига эътибор, вақтини қадрлаш, орсусини рўёбга чиқариш маданияти. Шу боис, хизматлар сектори ривожланган маҳалла фаровон, мустақил ва барқарор бўлади.

## 10 МИНГ АҲОЛИНИ ДОИМИЙ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВАЗИФАСИ

Ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиёти унинг **саноат салоҳияти ва иш билан таъминланган аҳолиси билан** баҳоланади.

Саноат салоҳиятини ошириш орқали иқтисодий кўрсаткичлар ўсади, ҳар бир оила ҳаётида, ҳар бир маҳаллада **амалий ўзгаришлар кўпаяди.**

## ЭКСПОРТЧИ КООПЕРАТИВЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Қишлоқ хўжалигининг аҳамияти камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда беқиссидир. Ҳар бир томорқа, ҳар бир дала инсоннинг **фаоллиги, мустақиллиги ва барқарор турмуш калити.**

Давлатимиз раҳбари белгилаган тўртинчи йўналиш қишлоқ хўжалиги ҳисобиغا аҳоли даромадларини оширишдир. Бу йўналиш иқтисодий натижа билан бирга ҳар бир деҳқон ҳаётида амалий ўзгаришларни таъминлайди. Ер ва меҳнат қадри билан боғлиқ бу стратегия инсон меҳнати эътирофи демакдир.

Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли ҳаётини яхшилаш мақсадида 232 минг гектар ер ажратилди. Бу эса 770 минг фуқарога ўз

даромад манбаини яратиш имконини берди. Бироқ таъриба ва билим етишмаслиги, сифатли уруғ ва бозор имкониятлари чеклангани сабабли аҳоли олган ернинг учдан бир қисмида даромад кам экани аниқланди.

Шу боис, Термиз туманидаги **Томорқа мактаби** таърибаси барча ҳудудларга кенг жорий этилиши, ҳар бир вилоятда қамида 5 та мактаб ташкил қилиниши ва ижарага ер олган аҳолини сердаромад экин экишига ўргатиш вазифаси қўйилди. Бу жараён **билим бериш, деҳқон меҳнатини қадрлаш, ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини таъминлаш билан изоҳланади.**

Ижарага олинган ерда етиштирилган маҳсулотни кафолатли сотиш учун эса **экспортчи кооперативлари ташкил этилади.** Бу механизм деҳқонни бозордан узоқда қолдирмай, унинг маҳсулотига маҳаллий ва халқаро талаб яратиш орқали **доимий даромад ва барқарорликни кафолатлайди.**

## ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР САРИ

Янги Ўзбекистон тараққиёти фақат иқтисодий кўрсаткичлар орқали эмас, балки ҳар бир оила ҳаётидаги ҳақиқий ўзгаришлар билан ҳам баҳоланади. **Давлатимиз раҳбари белгилаб берган бешинчи йўналиш эҳтиёжам оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашдир.** Бу нафақат моддий ёрдам, балки жамиятда маънавий ва амалий барқарорликни таъминлаш воситаси сифатида катта аҳамият касб этади.

Ижтимоий ҳимоя мураккаб иқтисодий вазиятдаги оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг келажакка ишончи, фарзандлар таълими ва оилавий муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Янги йилдан “Тенг имконият” — инклюзив бандлик” лойиҳаси доирасида ногиронлиги бўлган 40 минг фуқаро иш билан таъминланади, уларга Бандлик жамғармасидан 30 миллион сўмгача фойсиз ссуда ажратилади. Бу иқтисодий қўллар ҳар бир инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш ва жамиятда фаол иштирок этиши имкониятидир.

**Камбағалликка қайтиб тушиш хавфи бўлган оилаларга манзилли ёрдам сақланади. Улар олти ой мобайнида моддий ёрдам ва болалар нафақаси, боғча ва тўғарак харажатлари, даволаниш ордери қамида 110 та ижтимоий хизматдан 12 ой давомида қўшимча фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Мазкур тизим нафақат ижтимоий муҳофаза, балки оилавий барқарорликни таъминлайди.**

Шунингдек, оғир ҳаётини вазият туфайли камбағалликка тушиб қолиши эҳтимоли юқори бўлган оилаларни олдиндан аниқлаш, уларга манзилли ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу — жамиятнинг ҳар бир аъзосини қадрлаш ва инсон ҳаётида хавфсизликни таъминлашга қаратилган муҳим қадам.

Ҳар бир инсон ўз меҳнати билан қадрланади, оиласи учун ижтимоий даромад яратиши, маҳаллада барқарор ва иқтисодий фаоллик шаклланиши бугун давлат сиёсатининг муҳим мезонига айланди. Камбағаллик даражасини пайсантириш ва бандлиқни таъминлаш орқали юртимизда энг қимматли бойлик — инсон салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда.

Шу тариқа ҳар бир лойиҳа ва инвестиция иқтисодий самара бериш билан бирга юз минглаб оила ҳаётида амалий ўзгариш, умид ва келажакка ишонччи таъминлайди. Янги Ўзбекистон танланган йўл барча учун имкониятлар яратиш, инсон қадрини юксалтириш ҳамда жамиятда ижтимоий адолат ўрнатишга қаратилган изчил ва самарали ҳаракатдир.

Бошланиши 1-бетда

Бўстонлиққача бир қадам

Ўтган йили Самарқандга йўл олганимда илк бор тезорар поездга чиқдим. Гарчи хизмат сафари бўлса-да, ўзимни худди сайёҳдек ҳис қилдим. Поезда бирор олис шаҳарга саёҳат қилишни доим ниёт қилардим. Худди ўйлаганимдек, бунинг гаши ўзгача экан. Поезд ойнасидан тоғлар, боғлар, хуллас, табиати томоша қилиб кетарканман, нималарнидир ёзиб, таассуротларимни муҳрлагим келди.

Одатда шундай: транспорт воситаси доим саёҳатнинг бир бўлаги, ҳатто энг асосий қисми бўлади. Кўпчилик саёҳатдан қайтган, самолёт, поезд ёки автомобилдаги таассуротини кўшиб ҳикоя қилади. Шу боис, мамлакатда туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири транспорт инфратузилмасини яратиш ва такомиллаштиришдир. Айниқса, замонавий темир йўл тизими ҳозир сайёҳларни қизиқтирадиган муҳим жиҳатлардан. Чунки поездда саёҳат қилиш кўпчиликка ўзгача завқ беради. Қолаверса, бу йўналиш олис манзилларга ҳам арзон, ҳам тез ва хавфсиз етиб олишга хизмат қилади.

2025 йил темир йўл соҳасидаги бир қанча катта ишлар билан ҳам эсда қолмоқда. Хусусан, юртимизнинг сўлим манзиллари томон янги темир йўллар ётқизилиб, бекатлар ишга туширилди. Замонавий поездларда юртдошларимиз алақадон маҳаллий йўналишлар бўйлаб саёҳат қилишга.



Хусусан, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманига электропоезд ҳам бориши мумкин. Гап шундаки, жорий йил аввали айни шу йўналишда янги темир йўл линияси ҳамда бекати очилиши билан бошланган эди. Аниқроғи, Чиноркентга олиб борадиган янги темир йўл ишга туширилиб, 2025 йил 22 январьда “Чиноркент” темир йўл бекати тантанали равишда фойдаланишга топширилди.

Ундан аввалроқ, 2024 йил декабрда Тошкентдан Хўжакентга янги электропоезд қатнови йўлга қўйилган, давлатимиз раҳбари 6 декабрда айни шу поездга Хўжакентга борган эди. Орадан қарий 1,5 ой ўтар-ўтмас, Хўжакентдан Чиноркентга 1,5 километрли темир йўл қурилди. Қисқа муддатда 150 метрли перрон ҳамда совбон қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, имконияти чекланган йўловчилар учун ҳимоя плиталари ўрнатилиб, йўловчилар ўтиши учун туннель барпо этилди.

Хуллас, азалдан сўлим табиати билан танилган Бўстонлиқ туманининг ҳозирги замонавий дам олиш манзиллигига тез ва хавфсиз етиб олиш учун яна бир қулай инфратузилма ишга туширилди.

Янги темир йўл линияси қурилганига қадар Чиноркентга йўл олган йўловчиларга электропоездда “Хўжакент” станциясигача, ундан уёғига автомобилда ўтириб боради. Бу йўловчиларга нуқуллайлик тугдирган. Ҳозир ана шу нуқуллайликлар бартарф этилиб, Тошкентдан йўлга чиққан йўловчи ва сайёҳлар замонавий электропоездда “Чиноркент” темир йўл бекатигача етмоқда.



ЗАМОНАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛЛАР

САЙЁҲЛАРНИ ОБОД МАНЗИЛЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

Юк ташиш ҳажми ҳам ортади

Маълумотларга кўра, биринчи темир йўл транспортининг пайдо бўлиши тоғ-кон ва металлургия саноати билан боғлиқ бўлиб, XVIII аср охири ва XIX аср бошларига тўғри келади. Айни шу даврда капитализмнинг ривожланиши юк айланиши тузилмасини тубдан ўзгартирган ҳамда темир рудаси, кўмир, қурилиш

яратилди. Лойиҳа 9 ойда амалга оширилди, Зарафшон дарёси бўйлаб умумий 55 километрли темир йўл ётқизилди. Ишлар халқаро талаб ва стандартлар асосида бажарилди. Лойиҳа доирасида 2 та вокзал, 2 та кўприк, 110 та сунъий иншоот, 13 та йўл кесилмаси ва 58 километрдан ортиқ оптик толали алоқа линияси ҳам қурилди. Жаргана қишлоғи ва Ургут тумани марказида вокзал бинолари барпо этилди.

Кўпчилик яхши билади: Ургутда катта саноат зонаси бор. У ерда миллий бренддаги энг замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Шу жиҳатдан янги темир йўл йўналишида нафақат йўловчи, балки юк ташиш суръати ҳам ошди. Маълумотларга кўра, янги темир йўл орқали йилга 359 минг йўловчи ва 8,2 миллион тонна юк ташиш имконияти мавжуд. Мазкур йўналишда икки жуфт шахарлараро йўловчи поезди ҳамда тўққиз жуфт юк поезди қатнови йўлга қўйилди. Бу Ургут иқтисодий, саноат, савдо ва қишлоқ хўжалиги учун катта имкониятдир.

Аваллари туманга олиб келинадиган юклар Жомбой, Самарқанд, Зарафшон темир йўл станцияларида туширилиб, автомобилларга юкланган ва Ургутга етказилган. Ҳозир юклар темир йўл орқали тўғридан тўғри Ургут туманининг ўзига етиб боради. Бу орқали транспорт харажати қанча тежаллаётганини тадбиркорлар дарров ҳисоблай олади. Қолаверса, энди кўшни Жизмистондан юртимизга келадиган қардошларимиз Жаргана вокзали орқали Ургутга ёки Самарқанд шахрига етиб олиши мумкин. Бу ички туризм ривожига ҳам катта ҳисса қўшади.

Ургутга темир йўл тортилиши шунчаки иқтисодий ёки инфратузилмадаги янгилашни эмас, балки одамлар турмуш тарзи, ниётлари рўёби билан боғлиқ масала. Чунки мазкур темир йўл туман аҳли, айниқса, тадбиркорларнинг бир неча йиллик орузи бўлган. Бу ҳақда катта-кичик давраларда айтадилар, аммо маблаг масаласи юзга чиққанда режа ортага сурилиб, орзу орузлигича қолаверган. Бугун Ургутга поезд борганига одамларнинг ўзи ҳам ишона олмаётди.

— Жорий йил февралда янги “Самарқанд — Ургут” темир йўл тармоғи қурилиши бошланганида ҳатто айримлар “Бу иш қачон амалга ошадими, энди яна неча йил кутамиз?” деб унинг яқин орада қуриб битказилишига шубҳа қилганди, — дейди меҳнат фахрийси Қуддус Асқаров. — Лекин ана-мана дегунча, атиги 9 ойда янги темир йўл қурилиб, Ургутга поезд келиб, аҳолининг кўп йиллик орузи ушалди. Давлатимиз раҳбарининг ўзи ушбу темир йўл орқали Ургутга келиб, вокзалда биз — нуронийлар, фаоллар билан учрашиб, барчамизни янги поезд қатнови билан табириқларни қувончимизни янада оширди.

Эски бинодан асар ҳам қолмади

Саёҳат ёки бошқа мақсадда олис манзилга борадиган инсон учун қулайлик ва сифат доим муҳим. Айниқса, транспорт воситаси “кўним топадиган” манзил — аэропорт ёки вокзалдаги вазиятлар инсоннинг кайфиятига таъсир кўрсатиши мумкин. Барча қулайликларга эга, ортиқча овозгарчилик ва инсон омилсиз иш битади, электрон хизматлар узоқ кутиб қолиш ва вақт йўқотишнинг олдини олади.

Бугун нафақат замонавий транспорт воситалари ва инфратузилма, балки юқори сифатли хизмат кўрсатиш ҳам туризмни ривожлантириш ҳамда фойдаланишга жалб қилишнинг асосий шартларидан бирига айланган. Юртимиз темир йўл соҳасида бунга катта эътибор қаратилаётган. Яқинда шу йўналишда яна бир йирик лойиҳа амалга оширилди.

Жорий йил 7 декабрда Хоразм вилоятидаги “Ҳазорасп” темир йўл вокзали тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Вокзалда бўлганлар ва меҳмонлар бинонинг аввалги кўринишидан асар ҳам қолмагани, ҳозиргиси бутунлай янги кифода, замонавий шартларга эга экани ҳақида мамнулик билан гапиряпти.

— “Ҳазорасп” темир йўл вокзали ҳудуди ва биноси тўлиқ қайта таъмирланиб, замонавий талабларга мувофиқ янгидан барпо этилди, — дейди “Ўзтемирйўлйўловчи” акциядорлик жамияти “Темир йўл вокзаллари” МЧЖ директори Муроджон Мамарамов.

— Реконструкция ишлари доирасида вокзалнинг асосий биносидан парда деворлари



Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

тўлиқ янгиланди, ички пол қопламалари демонтаж қилиниб, замонавий материаллар билан алмаштирилди. Шифт ва ташқи фасад қисмида гишт териш, сувоқ ишлари бажарилди, истишти тизими тубдан янгиланди. Худуднинг бугунги кун архитектураси элементлари асосида барпо этилган йўловчилар оқимини тез ва хавфсиз тарзда қабул қилиш, сифатли хизмат кўрсатиш имконини беради. Вокзалда барча жараён тўлиқ рақамлаштирилган, бу фойдаланувчиларга янада қулайлик яратади. Эътиборлиси, таъмирлашдан кейин “Ҳазорасп” темир йўл вокзали бир вақтнинг ўзига 200, бир кеча-кундузда эса 1000 га яқин йўловчи хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлди.

Вокзал ҳудудида замонавий талабларга мос перрон ва платформа инфратузилмаси, ёритиш тизими ва хавфсизлик камералари,

ногиронлиги бўлган шахслар учун инклюзив имкониятлар, кенг ва ёруғ зал, она-бола зали, дам олиш ва ювенил, тиббиёт хоналари, юқори даражада хизмат кўрсатувчи VIP зал, чиптахона мавжуд. Шунингдек, йўловчиларга янада қулай бўлиши учун электрон маълумот табоси ўрнатилиб, электрон чипталарни рўйхатдан ўтказиш йўлга қўйилган.

Вокзал атрофини ободлаштириш ҳам лойиҳанинг муҳим қисми. Боиси, ҳозирги кунда замонавий шаҳарсозлик талаблари бевосита экологик жиҳатларни уйғунлаштиришни талаб этмоқда. Одамлар бирор манзилга бориб, хизматидан фойдаланар экан, у ерда яшиллик бўлиши лозим. Бу нафақат эстетик жиҳат, балки атроф-муҳит тозаллигини асраш талаблари билан боғлиқ. “Ҳазорасп” темир йўл вокзали ҳам бундан холи эмас. Худуд бўйлаб яшил майдонлар, гулзорлар барпо этилиб, уларни парвариш-лаш учун замонавий сугориш тизими ўрнатилди.

— Ҳақиқатан, вокзалнинг олдинги ҳолати ниҳоятда эски эди, — дейди “Ҳазорасп” темир йўл вокзали ходими Шахноз Қадимова. — Зарур шароит бўлмаган. Бино ниҳоятда совуқлиги сабаб махсус форманинг ўзига туриб ишлашнинг имкони йўқ эди. Қаранг, ҳозир ташқаридаги совуқ билинмайди ҳам, бинонинг ичи иссиқ, ёруғ. Йўловчиларга тез ва сифатли хизмат кўрсатаётганимиздан мамнунмиз.

\*\*\*

Қутилаётган лойиҳалардан яна бири жорий йил январда қурилиши бошланган “Байтқўрган — Паркент” электрлаштирилган темир йўл линиясидир. Шу йил бошида давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра Паркентни пойтахт билан боғловчи электрлаштирилган темир йўл қурилишига старт берилганди. Маълумотларга кўра, айни пайтда ишлар жадал кетмоқда.

Режа бўйича электрлаштирилган темир йўлнинг умумий узунлиги 24 километрдан иборат бўлади. Лойиҳа доирасида 2 та ажратиш пункти, 4 та кўприк, 2 та йўл ўтказиш, 1 та туннель туридаги йўл ўтказиш, 78 та сув ўтказиш иншооти, 7 та автовокзал йўли ва темир йўл кесилмаси қурилиши кўзда тутилган.

Европанинг айрим давлатларида яқин маъсофадаги манзилларга ҳам темир йўл поезди борилар экан. Яъни электрлаштирилган поездлар худди метро, автобус сингари асосий ички жамоат транспортидир. Бу худди трамвай каби электр поездининг хавфсиз, тезкор, арзон ва экологик тоза экани билан боғлиқ бўлса керак. Қолаверса, айрим давлатларнинг аксар шахарлари тоғли ҳудудларга жойлашгани боис, у ерларда аҳолининг поездга ҳаракатланиши қулайроқ, назаримда.

Бизда темир йўл поездлари асосан туризм йўналишида омаллаштирилиши режалаштирилган. Чунки юртимизда табиати гўзал, ҳавоси тоза масканлар бисёр ва бирин-кетин бу жойлар сайёҳлик марказларига айлантирилмоқда. Тошкент вилоятининг Паркент тумани ҳам шулардан бири. Унга олиб борадиган янги электрлаштирилган темир йўл эса маҳаллий ва хорижий сайёҳлар оқимини янада оширади.

Қолаверса, лойиҳа якунига етиб, янги “Байтқўрган — Паркент” электрлаштирилган темир йўлининг фойдаланишга топширилиши маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринлари яратиб, мамлакат туризм соҳасига катта фойда келтиради.

ЯШИЛЛАНАЁТГАН ЎЗБЕК КИМЁ САНОАТИ дунё бозорида рақобатбардошликни оширади

Кимё саноати маҳсулотлари экспорти бўйича мамлакатлар орасида Хитой етакчи. Яқинда ушбу фактни ўқиб хайрон қолдим. Бунинг нимаси хайратланарли? Ахир бугун Хитой нафақат кимё саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, балки қатор иқтисодий тармоқлар: энергетика, қишлоқ хўжалиги, автомобиль саноати, тўқимачилик соҳасида ҳам тенгсиз-ку, дейишга шошилманг. Аҳамиятлиси, айнан кимё саноати ривожини мазкур асосий тармоқларнинг юксалишига ҳам туртки берад экан.

Шу боис, Ўзбекистонда ҳам тармоқ фаолиятини янада жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажминини кўтариш борасида янги ташаббус ва лойиҳалар, самардор механизмлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Яқинда Президентимиз кимё саноатида ишлаб чиқариш ва экспортни ошириш ҳамда таннархни пайсатириш юзасидан тайёрланган тақдимот билан таништи. Ингилишда 2030 йилгача тармоқдаги ишлаб чиқариш ҳажминини камида икки баробар ошириш, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришини 1,5 баробарга етказиш ва экспорт қийматини 1 миллиард долларга етказиш режалаштирилгани қайд этилди.

Статистик маълумотларга кўра, 2025 йилнинг январь-октябрь ойларида Ўзбекистонда 865,8 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Шундан улуши энг кўп йўналишлар сирасига озиқ-овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари — 19,3 фоиз, тўқимачилик маҳсулотлари, кийим-кечак, тери ва унга тегишли маҳсулотлар — 15,5 фоиз, машинасозлик ва металл буюмлар (компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар, электр ускуналар, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим тиркамалар, бошқа транспорт воситалари, бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар, шунингдек, уларни таъмирлаш ва ўрнатиш



ишлари) — 18,6 фоиз ва кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари — 7,1 фоизни ташкил этмоқда. Бундан кўриниб турибдики, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига кўра, мамлакатимизда етакчи ўринлардан бирини банд қилиб турибди. Экспертларнинг фикрича, соҳанинг изчил ривожлантирилиши нафақат экспорт салоҳиятини ошириши, балки муҳим кимёвий маҳсулотлар импортга қарама-қарши туришига хизмат қилади.

2024 йилда глобал кимёвий маҳсулотлар экспорти қиймати 667,2 миллиард долларга етди. Барча экспорт қилувчи мамлакатлар учун экспорт қилинган кимёвий маҳсулотларнинг умумий доллар қиймати беш йил аввалгига нисбатан ўртача 32,7 фоиз ортди.

Бу маълумот соҳада рақобат муҳити кенгайиб бораётганини билдиради. Бундай шароитда янги технологиялардан фойдаланган ҳолда маҳсулот сифатини ошириш, таннархнинг ҳамёнбоп қилиш зарур.

Ингилишда бу борада муҳим камчилик ва муаммолар санаб ўтилди. Жумладан, кимё саноатидаги йирик корхоналарда базини ишлаб чиқариш қувватлари эскиргани туфайли энергия харажатининг юқорилиги ва рақобатбардошлик паслиги кўрсатиб ўтилди. Масалан, азотли ўғитлар таннархнинг 55 фоизгача қисми энергия харажатига тўғри келмоқда. Соҳада энергия тежаланиш технологияларини жорий қилиш ва рақамлаштириш орқали чикимни кескин қисқартириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Айниқса, Ингилишда “яшил” минерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасига алоҳида тўхталиб ўтилди. 2025 йилда Тошкент, Наманган ва Жиззах вилоятларида “яшил” минерал ўғитлар, циан тузи, калий ксантогенат, калий сульфати каби юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган лойиҳалар ишга туширилди. Ушбу янги маҳсулотлар экспортни оширишни ҳозирдан ҳисоб-китоб қилиш зарурлиги айтилди. Ўзбекистон бу соҳага алоҳида эътибор билан қарамоқда.

Маҳсулот — “яшил водород” ҳамда “яшил” аммиак ва минерал ўғитлар ишлаб чиқара оладиган саноқли давлатлар қаторидан жой олди.

Заводнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 3000 тонна “яшил” водород ҳамда уни қайта ишлаш орқали 30 минг тонна “яшил” минерал ўғит тайёрлашга тенг. Бундан ташқари, “яшил” аммиак ва “яшил” минерал ўғитларни экспорт қилиш, жаҳон ва Европа бозорларига олиб чиқиш учун айни пайтда маҳсулотни сертифицикатлаш ишлари ҳам бажарилмоқда. Дунёда бу маҳсулотларга талаб йил сайин ортиб боради. Сабаби, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда “яшил” минерал ўғитлардан фойдаланиш рақобатбардошликни оширади.

Хусусан, 2025 йил бошидаги маълумотларга кўра, дунё миқёсида қуёш панели билан ишлайдиган “яшил” водород ёнгилигини ажратиб оладиган заводлар қуввати 3,2 гига-ватт бўлса, ҳаётга татбиқ этилиши қутилаётган лойиҳаларнинг қуввати 10,5 гига-ваттга тенгдир. Шамол энергиясига таянганларининг қуввати 2,1 гига-ватт, янги туширилиши қутилаётганлариники эса 12,6 гига-ваттни ташкил этади. Рақамлардан ҳам “яшил” водород ишлаб чиқариш келажак соҳаси эканини аниқлаш мумкин.

Сўзимиз аввалида ушбу жаҳоннинг бошқа иқтисодий тармоқлар ривожига катта фойда беришини бежиз таъкидламадик. Айниқса, кимё саноати қишлоқ хўжалигида янги марраларни забт этишда кўп қилади. Бинобарин, мамлакатимизда келгуси йилда 4,5 миллион тонна пахта етиштириш мақсад қилинган.

Санжар ЭШМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Долзарб мавзу

# СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИК

## СОҶАГА ИЛМИЙ ВА ТЕХНИК ЁНДАШУВЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш, соҳага илгор технологик ечимларни жорий қилиш мақсадида жорий йил 1 декабрь куни Президентимизнинг “Био ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги ва сейсмик хавфсизлигини таъминлашда давлат назорати ва бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони қабул қилинди.

Бугун жаҳонда талафотли зилзилалар сони ортиб бораётган бир пайтда сейсмик хавфсизликни таъминлаш, соҳани доимий такомиллаштириш, мавжуд ва қурилаётган бино-иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини назорат қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Мутахасссларнинг қайд этишича, ҳар йили дунё бўйича 100 мингта яқин зилзила содир бўлади. Бу дегани ўрта ҳисобда ҳар 5 дақиқада бир маротаба ер силкинади. Аксарият зилзилалар сезилмайди. Сўнгги 10 йилда дунёда содир бўлган фалокатли ер силкинишлари оқибатида 900 мингдан зиёд инсон қурбон бўлган, 2,5 миллиондан ортиқ киши жабрланган, умумий иқтисодий зарар қўлами эса 360 миллиард долларни ташкил этган.

Мамлакатимиз ҳам сейсмик фаол ҳудудда жойлашган, тез-тез зилзила содир бўлиб туради. Хусусан, Тошкент, Фарғона, Андижон, Сурхондарё вилоятлари сейсмик хавфи юқори ҳудудлар қаторига киради. Шу сабабли қурилиш стандартларига риоя қилиш ва замонавий сейсмик технологияларни қўллаш жуда муҳим.

Сўнгги етти-саккиз йилда Тошкент шаҳрида қурилган осмонўпар бинолар қурилиш ҳақидаги қўлаб стереотипларни йўққа чиқарди. Аҳолининг уй-жойга талабини қоплаш мақсадида улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди ва бу жараён жадал суръатда давом этмоқда. Бироқ сейсмологияга оид талабларга риоя қилиш, қурилиш сифатини таъминлаш ҳамон долзарблигини йўқотмаган. Зеро, қайд этилганидек, Тошкент сейсмик фаол ҳудудда жойлашган.

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш, соҳага илгор технологик ечимларни жорий қилиш мақсадида жорий йил 1 декабрь куни Президентимизнинг “Био ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги ва сейсмик хавфсизлигини таъминлашда давлат назорати ва бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони қабул қилинди.

Ҳужжат билан био ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги ҳамда сейсмик хавфсизлигини таъминлашда давлат назорати ва бошқарувини янада такомиллаштиришга доир асосий вазифалар белгиланди. Булар кўп қаватли уй-жойларни инструментал-техник текширувдан ўтказиш ва мониторинг қилишга ихтисослашган лойиҳа ташкилотларини тоифалаш ва рейтингини юритиш, ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш ва бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш, объектлар қурилишида зилзилабардошликни таъминлаш бўйича жавобгарликни кучайтириш ва назорат қилиш соҳасидаги коррупциявий омилларни бартараф этишдан иборат.

— Био ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги ҳамда сейсмик хавфсизлигини таъминлашда давлат назорати ҳамда бошқаруви жуда муҳим, — дейди Бош прокурорнинг бошқарма катта прокурори Фаррух Султонов. — Бу вазифалар фармонда мустаҳкамланди ҳамда қурилиш пудрат ташкилотларининг объектлар қурилишида сейсмик хавфсизликни таъминлаш бўйича жавобгарлиги кучайтирилди. Шунингдек, биноларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш, уларни назорат қилиш соҳасидаги коррупциявий омилларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Асосийси, ушбу ҳужжат аҳолини сифатли ва мустаҳкам уй-жой билан таъминлаш, айтиб ўтилганда камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Қурилиш жараёнида кейинги босқичларга рухсат ва хулоса берадиган ташкилотларнинг илмий-техник салоҳиятига кўп нарса боғлиқ.




Маълумотларга кўра, ҳозир мамлакатимизда инструментал-техник текширув ўтказишга лицензия олан 170 та ташкилот мавжуд, ammo уларнинг рейтингни юритилмайди. Фармонга мувофиқ, назорат ва мониторинг механизми янада такомиллаштирилади. Жумладан, 2026 йил 1 январдан икки ва ундан юқори қаватли барча кўп қаватли

уй-жойларни инструментал-техник текширувдан ўтказишга рўйхатли лойиҳа ташкилотларнинг рўйхати шакллантирилади. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида уларнинг рейтингни юритилади. Инструментал-техник текширув хулосаларини тавсиявий мазмунда бериш амалиёти туғатилади.

— Ҳозир 3000 га яқин лойиҳалаш ташкилоти мавжуд, — дейди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиги ўринбосари Шерзод Одилов. — Айни пайтда инструментал-техник текширувдан ўтказиш бўйича лицензияга эга ташкилотлар салоҳиятини аниқлашнинг имкони йўқ эди. Энди уларнинг алоҳида рейтингни юритилади. Инструментал-техник текширув хулосаларига объектни қайта қуриш ёки реконструкция қилиш бўйича техник-иқтисодий асосланган бўлими киритилади ҳамда ушбу хулосалар мажбурий равишда шаҳарсозлик экспертизадан ўтказилади. Кўп қаватли уй-жойларни бошқариш органларига кўп қаватли уй-жойларни визуал ва инструментал-техник текширувдан ўтказиш ишларини ташкил қилиш вазифаси юклатилади. Визуал ва инструментал-техник текширувдан ўтказиш харажати маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланади.

Фармонга мувофиқ, сейсмик фаол зоналарда жойлашган объектларни визуал



### Бугуннинг гапи

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, маийий зўравонликка учраган хотин-қизларни ҳимоя қилиш ва ижтимоий реабилитация қилишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тазйиқ ва зўравонликка қарши курашиш борасида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имзолалиб, ижроси таъминланаяпти. Шунингдек, рақамли хизматлар йўлга қўйилиб, ижтимоий ҳимоя марказлари тизими ташкил этилди.

Аёлларга руҳий инқироз ҳолатида тезкор тиббий, психологик ва ижтимоий хизмат кўрсатиш мақсадида шошилинч қабул бўлими мавжуд шифоналарда бирламчи кўмак хоналари иш бошлади. Уларнинг вояга етмаган фарзандларига ҳам биринчи навбатда тез тиббий ёрдам кўрсатилади. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларида уч кунгача психолог, ҳуқуқшунос ва ижтимоий ҳодим томонидан тегишли ёрдам ва хизматлар тақдим этилади. Хотин-қизларга чуқурлаштирилган реабилитация дастурини ўташ зарур бўлса, улар Аёлларни реабилитация қилиш ва мустақилликни қўллаш марказларида йўналтирилади.

Яқинда мамлакатимиз бўйлаб “Зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракат” халқаро кампанияси ўтказилди. Яқиний

тадбир сифатида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатларига миллий жавоб қайтариш тизимини кучайтиришга қаратилган давра суҳбатига бу борада қилинаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди. — Ўтказилган сўровномаларда қарийб 30 фоиз аёл ўз ҳуқуқларини билмаслигини айтган. 36 фоизи турмуш ўртоғи томонидан ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлса-да, буни зўравонлик сифатида қабул қилмаган, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги раҳбари Мансурбек Оллоёров. — Шу сабабли келгуси йилдан Колумбия университетининг Ижтимоий иш мактаби билан ҳамкорликда янги платформани ишга туширяпмиз. Бу “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларида зўравонликка учраган аёл учун дастлабки

Тазйиқ ва зўравонликнинг қайси тури бўлмасин, у инсон ҳаёти учун хавфли. Шундан келиб чиқиб, жабрланган шахслар, бошқа жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг тазйиқ ва зўравонлик ҳолати тўғрисидаги мурожаати юзасидан 24 соат ичида хотин-қизлар фаоли ва маҳалладаги профилактика инспектори томонидан тазйиқ ва зўравонликни содир этган шахс билан суҳбат ўтказилади.

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚАТЪИЙ ҲИМОЯ ОСТИДА



скрининг восита сифатида ишлатилади. Саволларга жавоб бериш орқали шахс зўравонлик остидами-йўқми, шунини аниқлаш имкони бўлади. Тазйиқка учраган ва учрадан деб ҳисоблаган ҳар қандай аёл “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларидан психологик, юридик хизматларни олиши имкони бўлади. Огир ҳолатларда реабилитация марказларига жойлаштирилади. Биз зўравонликни нафақат аёллар, балки ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифа, кам таъминланган оилалар, болалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кексалар учун ҳам хавф сифатида кўраимиз. Шу бос, янги қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилапти.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ва Олий Мажлис Сенати ҳамкорлигида Буюк Британия кўмаги билан ташкил этилган юқоридаги тадбирда рақамли муҳитда кузатилаётган зўравонлик турларига оид муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирнинг муҳим нуқтаси Ўзбекистонда БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг глобал “BodyRight” кампанияси расмий ишга туширилиши бўлди. Кампа-

ния ҳар бир хотин-қизнинг онлайн зўравонликдан ҳимояланиш ҳуқуқини илгартиришга қаратилган. БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Нигина Абасзаде Ўзбекистон ушбу бир йиллик кампанияни қаватли орқали глобал ҳаракатга қўшилаётганини таъкидлади.

Тазйиқ ва зўравонликнинг қайси тури бўлмасин, у инсон ҳаёти учун хавфли. Шундан келиб чиқиб, жабрланган шахслар, бошқа жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг тазйиқ ва зўравонлик ҳолати тўғрисидаги мурожаати юзасидан 24 соат ичида хотин-қизлар фаоли ва маҳалладаги профилактика инспектори томонидан тазйиқ ва зўравонликни содир этган шахс билан суҳбат ўтказилади. Ижтимоий ҳодим хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари ҳолатини дастлабки тарзда баҳолайди. Профилактика инспектори эса ҳимоя орденини расмийлаштириш ҳамда заруратга кўра бирламчи кўмак хоналарига жойлаштириш учун тегишли далолатнома тайёрлашга доир чоралар кўради. Хотин-қизлар ва вояга етмаган фарзандлар розилик асосида бирламчи кўмак хонасига жойлаштирилади.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тўлиқ рақамлаштирилиб, жабрланувчиларни тезкор аниқлаш ва ижтимоий хизматларни ўз вақтида ташкил этиш тизими йўлга қўйилгани мақсада мувофиқ,

тизимнинг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали интеграция қилинади. Эътибор берсангиз, янги уй-жойлар рекламасида қурилиш сифати, нархлар арзонлигига ургу берилди. Ҳамма уйлар шундай бўлса қани эди. Лекин рақамлар бунга қарши. 2023-2025 йилларда сифатсиз ва ноқонуний қурилишлар сабаб биноларни бузишга қаратилган 30 минг 325 та ижро ҳужжати чиқарилган. Бироқ 13 минг 939 та ҳужжат ижроси мунтазам кечиктириб келинмоқда.

Фармон билан бу масала ҳам ҳал этилади. Хусусан, 2026 йил 1 январдан ноқонуний қурилган объектларни суд тартибда бузиш ҳоқимликлар ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари томонидан амалга оширилади. Бунда ушбу биноларни бузишга сарфланган харажатлар қурилиш объекти буюртмачиси (ташабуқкоридан) қонунчиликда белгиланган тартибда ундирилади. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан ноқонуний қурилмаларни бузириш ишлари нархи ҳар йил учун алоҳида белгилаб борилади.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ, 2027 йил 1 январга қадар кўп қаватли турар жой объектларини қуриш учун тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари фақат давлат экспертизаси ташкилотлари томонидан экспертизадан ўтказилади. Шунингдек, 2026 йил 1 мартдан бошлаб “Шаффоф қурилиш” тизимида объектларнинг лойиҳа-қидирув, қурилиш-монтаж ва назорат жараёнларида қатнашадиган асосий мутахасссларнинг малакаси, иш тажрибаси, салоҳиятига оид маълумотларни ўзида акс эттирувчи реестр жорий этилади. Объектлар бўйича барча босқичдаги ишлар фақат реестрга киритилган мутахассслар томонидан амалга оширилади.

Энди қурилиш жараёни нафақат объектнинг ўзида, балки фазодан ҳам назорат қилинади. 2026 йил 1 мартдан “Ўзбеккомсом” агентлиги томонидан ҳудудлардаги қурилиш майдонлари устидан доимий кузатув олиб борилади. Бунда космик суратлар ёрдамида аниқланган қурилиш объектлари Қурилиш инспекцияси томонидан камерал назоратдан ўтказилиб, рўйхатдан ўтказилмаган объектлар бўйича текширувлар тайинланади.

— Бугун ноқонуний қурилишлар фақат архитектурага эмас, балки аҳоли хавфсизлигига ҳам жиддий хавф туғдиримоқда, — дейди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси бошлиги ўринбосари Жасур Жабборов. — Янги механизмлар ушбу хатти-ҳаракатларни кескин қисқартиришга хизмат қилади. “Ўзбеккомсом” агентлиги билан ҳамкорликда ноқонуний қурилишлар эрта аниқланади ва бу маълумотларни Кадрат агентлиги ва “Шаффоф қурилиш” тизимига интеграция қилиш орқали тўланади.

Ҳар бир харидор йиллар давомида йиққан пулга уй ёки нотураг жой олар экан, мустаҳкам ва қафолланган бўлиши, ундан ўзи ва фарзандлари хавфсиз бўлишини хоҳлайди. Ҳўш, бу борада талаблар қандай? Амалдаги аксарият шартномаларда қафол муддати 1 йил этиб белгиламоқда. Бу қанчалик адолатли?

Бу саволга ҳам фармонда аниқ жавоб бор. Яъни хавф-хатар тоифаси III ва IV тоифа объектларни қуриб, фойдаланушга топширилганда қурувчи томонидан 10 йилдан кам бўлмаган муддатта қафол берилиши шарт.

Энди қурилган бино фақат қурувчининг қафолати билан қабул қилинади. Ушбу талабларни белгилашда Япония, АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатлари тажрибаси ўрганилиб, ҳисоба олинган.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони аҳолини сифатли ва мустаҳкам уй-жой билан таъминлаш, қурилиш соҳасида инфратузилмани ривожлантириш ва соҳага замонавий технологияларни жалб этишга хизмат қилади.

Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Зўравонликка учраганларга хизмат кўрсатиш бўйича янги электрон модуль ишга туширилади, ҳимоя ордерлари ва жабрланувчиларга доир маълумотлар “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига реал вақт режимида етказиб берилиши таъминланади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги берган маълумотларга кўра, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга давлат божидан овоз қилинган ҳолда аризалар, шикоятлар ва даъволар киритиш ҳуқуқи берилди. Реабилитация марказларига жойлаштирилган аёлларни касб-хунарга ўқитиш мақсадида Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ҳисобидан 3,8 миллиард сўм ажратилиб, давлат ижтимоий буюртмаси асосида нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқув курслари йўлга қўйилди. Реабилитация марказларида 5 турдаги (пазандалик, тикувчилик, компьютер саводхонлиги, болалар массажи, аёллар сартароши) ўқув курслари жорий этилиб, 339 аёл ўқув курсларига жалб этилди. 208 аёл даромадли меҳнат билан банд бўлди. Реабилитация марказидан чиқарилган 180 дан зиёд аёлнинг ижтимоийлашув ҳолати 6 ой давомида мониторинг қилиб борилиши йўлга қўйилди. Натияжада 14 та ҳолатда қайта зўравонлик аломатлари эрта аниқланиб, ўз вақтида хотин-қизлар хавфсизлиги таъминланди. Натияжада ижобий бўлса-да, ҳали қилинадиган ишлар кўп. Уларни амалга оширишга ҳисса қўиши ҳаммамнинг инсонийлик бурчи. Зеро, оилалар, маҳаллалар тинч бўлса, ҳаётимиз фаровон, ишларимиз яхши бўлади.

Муножат РАҲИМЖОНОВА,  
журналист

# МИЛЛИЙ АДАБИЁТ — МИЛЛАТ ҚАЛБИ ВА РУҲИЯТИ КЎЗГУСИ

Таржима нафақат лисоний ҳодиса, балки адабий-тарихий, қолаверса, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилишга ҳам дахлдор соҳа. У турли халқ, миллат, мамлакатларни боғловчи олтин кўприк. Таржима юртимиз цивилизациянинг юқори чўққисига чиққан паллаларда бой илмий-маданий меросимизни бутун дунё эътиборига тақдим этишга ҳам хизмат қилган.

Ҳозир мамлакатимизда жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш ва чоп этиш, мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналарини хорижий тилларга ўғириш ҳамда чет элларда тарғиб этиш тизимини яратиб, ўзбек тилида интернет адабиётини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишлари жадал давом этмоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва маданият соҳасини янги bosқичга олиб чиқиш бўйича ислохотлар” йўналишида ҳам ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналарини кенг омаллаштириш, жамиятда китобхонлик ҳамда аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ривожлантириш мақсади илгари сурилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин МИРЗО билан бугунги кунда бадий таржиманинг ўрни борасида суҳбатлашдик.

— **Ўзбек таржимачилик мактабининг ўн асрга яқин тарихи бор. Бу мактаб китобхонлар қўлига жаҳон ва қардош халқлар адабиётининг дунёқарашини кенгайтирадиган, фикрлашга ўргатадиган дурдона асарлари таржимасини тақдим қилиб келган. Бугун ушбу анъана қандай давом этилти?**

— “Адабиёт яшаса, миллат яшайди”. Буюк ўзбек шоири Чўлпоннинг бу пурмаъно сўзлари ҳар бир миллат ўзинининг шаклланиши, намоён бўлиши, сақланиб, ривожланиб боришида адабиёт қанчалар муҳим аҳамиятга эга эканини яққол ёрқатиб турибди. Ана шу маънода, ҳар бир миллатнинг маънавий камолотида миллий адабиёти билан бирга жаҳон адабиёти дурдоналари, уларда илгари сурилган гуманистик гоялар катта роль ўйнайди. Аслида, дунёда ҳеч бир адабиёт ўз миллий чеғараларидан ривожланмайди. Жаҳон адабиёти асрлар давомида бир-бирини бойитиб, бир-бирини тасвирлаштириб, адабиёт истиқболларини яратди.

Ўзбекистондаги янги давр руҳи, шиддати, адабиётга, адабий алоқалар ривожига берилаётган эътибор барчамизни мамнун этмоқда. Бугунги кунда юртимизда миллат қалби ва руҳияти инфоқадими бўлган миллий адабиётимизни хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилишга, чет эл адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ўғириб, ундан халқимизни баҳраманд этишга, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, юксак фазилатлар руҳида тарбиялашга, китобхонликка жуда катта аҳамият берилмоқда. Негаки жаҳон халқлари қалбидан аллақачон мустақкам жой олган, XXI асрда ўз ичиди билан инсониятни эзгулик, олижаноблик каби юксак гоялар асосида ҳаёт кечиряшга даяват этиб келаётган миллий ва жаҳон адабиёти намуналарини бўлган шоир ва ёзувчилар асарлари юртимиз ва дунё халқлари ўртасидаги мустақкам маданий, маънавий кўприкларни мустақкамлашга хизмат этаётди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “адабий дўстлик — абадий дўстлик” сари ташланган маънавий қадамдир. Ўзбек адаблари, китобхон халқимиз жаҳон халқлари тарихи, улуг маданияти ва адабиётига катта ҳурмат билан қарайди. Айни дамда адабий алоқаларнинг мустақкамланиши таъсирида жаҳоннинг жуда кўп адабий ижодий ташкилотлари ва нашрларнинг мамлакатимиз адабиёти, адабий меросимиз, бугунги кунда ижод қилаётган адабларимиз ижодига қизиқиши йилдан йилга ортбормоқда. Утган йиллар давомида жаҳон адабиётининг бебаҳо мулки бўлган қанчадан қанча асарлар ўзбек тилига, миллий адабиётимизнинг нодир намуналарига жаҳон тилларига таржима қилинди, бу борада ўзига хос мактаб ва анъаналар шаклланди.

Таъкидлаб ўтганимиздек, жаҳон адабиёти ҳамма бадий таржима асарлари ҳисобига

бойинган ва бу жараён бугун ҳам давом этмоқда. Айнан таржима сабаб Ғарб Шарқ адабиётининг гузал анъаналар ва уларнинг замонавий талқинидан баҳраманд бўлган, Шарқ эса Ғарбдаги ғаройиб шаклий изланишларни ўзлаштирган ва икки қутб адабиёти шу асосда барқарор ривожланиб борган.

Ўзбек тилида ижод қилган мумтоз шоирларимизнинг барчаси истеъдодли ижодкор бўлиш билан бирга маҳоратли таржимон ва билимдон тилшунос бўлган. Улар ўз она тили билан биргаликда араб, форс, хинд, юнава лотин тилларини ҳам ўрганган, бу тиллардаги асарларни бемалол ўқиган ва таржима қилган.

Ўзбек замонавий таржима мактаби неча юз йиллик таърибга эга бўлган ҳолда бу борадаги анъаналарга таяниб, XX аср адабиётининг маърифатпарвар вакиллари — жаҳдлар илгари сурган илгор тамойилларга эргашиб ривожланди. Бугунги кунда Президентимизнинг қардош ва хорижий давлат раҳбарлари га савга қилаётган китоблари — В.Пюгонин Франция Президенти Э.Макронга ҳади этилган “Кулаётган одам” романи, Р.Тогорининг Хиндистон Бош вазири Нарендра Модига тортиқ қилинган 8 жилдлик асарлар тўплами, Я.Коласининг Беларусь Президенти А.Лукашенкога топширилган “Қадрдон қўшиқлар” шеърый тўплами, Жомийнинг Тожикистон Президенти Э.Раҳмонга берилган “Сайланма”си, Махтумқулининг Туркменистон халқ етакчиси Г.Бердимухамедовга савга қилинган “Сайланма”си ҳам халқлар, миллатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустақкамлашга адабиёт қанчалар муҳим ўрин тутганини яққол намоён этиб турибди. Шу маънода, бадий таржима бугунга келиб, Ўзбекистоннинг нафақат маданий, балки ижтимоий ва сиёсий ҳаётининг узвий қисмига айланди.

Ўзбек бадий таржима мактаби анъаналари давом этиб келяпти. Бугун бадий таржиманда Ғарб адабиётини аслиятдан ўғириш анъанаси жадал ривожланмоқда. Бу борада олдинги ўринларни ёшлар эгалламоқда. Шу билан бирга, адабиётимиз Шарқ ва Ғарбнинг замонавий анъаналари билан уйғунлашган ҳолда янги бир қиёфада яшамоқда. Бу ҳам бадий таржиманинг хизматиридир.

— **Давлатимиз раҳбари 2024 йил 4 июнда “Бадий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш тўғрисида”ги қарорини имзолаган эди. Айни паллада унинг ижросига қаратилган ишлар қандай bosқичда?**

— Мазкур қарор бугунги адабий ҳаётнинг энг муҳим воқеаси бўлди. Бу мукофот миллий адабиётимизга жаҳон адабиётининг илгор шакл ва изланишларни олиб кираётган, ўзбек адабиётининг сара асарларини хорижда тарғиб қилаётган фидойий таржимонлар меҳнатига муносиб рағбатдир.

Ёзувчилар уюшмаси ушбу мукофотнинг ишчи органи ҳисобланади. Қондага кўра, халқаро мукофот танловига асарларни таржимонларнинг ўзи ёки шу асарни чоп қилган нашриётлар тақдим этиди. Танлов 1 июнда эълон қилингандан кейин асарлар уч ой ичида қабул қилинди. 3 сентябрдан асарларни кўриб чиқиш бошланди. Таниқли таржимонлар, адабиётшунослар, ёзувчи ва шоирлардан иборат ҳайъат иккита таркибда ишлади. Биринчи ўзбек тилидан хорижий тилга қилинган таржималарни кўриб чиқса, иккинчиси жаҳон тилларидан ўзбек тилига ўғирилган асарларни назардан ўтказди.

Ҳозир танлов ўзининг ҳал қилувчи bosқичига етиб келди, яқин орада мукофотни топшириш маросимида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот совриндорлари номи эълон қилинди. Бу танлов таржимонлар учун катта имкониятлар эшитини очди. Аввало, адабий жамоатчиликнинг юксак эътирофи, қолаверса, таржимоннинг ижодий биографияси учун жуда яхши тавсиф,



албатта, салмоқли моддий рағбат — буларнинг бари таржимоннинг меҳнати, унинг кейинги қадамлари учун ижодий туртки вази-фасини ўтайди.

Танлов бадий таржима соҳасининг ривожини ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таржимашунослик соҳаси учун тадқиқот объектлари яратилади, ўзбек адабиёти тарғиботи учун уфқлар кенгайди, ёш таржимонлари этиштириш ишлари ҳам янги bosқичга кўтарилади, чунки ёшлар интилиши учун юксак эътироф чўққиси юзага келади.

— **Ёзувчилар уюшмаси томонидан бугунги кунда бадий таржимани ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар, янгиликлар, режалар билан ўртоқлашсангиз.**

— Ўзбекистонда бадий таржима фаолиятининг ривожланиши истиқболлари, агар бугунги куннинг суръатини ҳисобга олса, албатта, кечажидан баянламоқ. Чунки бугун бадий таржиманинг аҳамияти кучли, мана шу талаб ривожланиши учун туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Шу йил бошидаёқ Дўрмонда “Ба-

дий таржима: кеча, бугун, эртага” форуми ўтказилди. Унда таржима олинди турган вази-фалар муҳокама қилиб олинди.

Уюшмада Халқаро алоқалар ва бадий таржима бўлими фаолият юритади, у бадий таржима соҳаси учун масъул бўлинадир. Шунингдек, жамоатчилик асосида ишлайдиган Бадий таржима кенгаши ҳам бор. Бадий таржима соҳасидаги ишларни мана шу икки бўлима мувофиқлаштириб боради. Таржима соҳасини ривожлантириш учун таржимонлар ва таржимашуносларни жамлаб ўтказилувчи қатор тадбирларимиз борки, шулар доирасида соҳанинг мавжуд муаммолари таҳлил қилиниб, ечимлар изланади.

Яқинда Паркент туманидаги “Заркент” ижод уйида Республика таржимонлари II форуми ўтказилди. Форумда уч йўналиш — туркий тиллардан таржима, инглиз тили ва рус тили орқали таржима қилиш бўйича ёшлар учун маҳорат сабоқлари, таърибли таржимонлар билан ижодий суҳбатлар ва таҳлиллар бўлиб ўтди. Республика ёш ижодкорла-

**Ўзбек замонавий бадий таржимачилигининг қамрови жуда кенг. Бунга амин бўлиш учун биргина “Жаҳон адабиёти” журналини варақлаб кўришнинг ўзи кифоя қилади.**

рининг Зомин семинарида ҳар йили бадий таржима йўналишида махсус “маҳорат сабоқлари” бўлиб ўтади ва унинг натижасида янги-янги иқтидор эгалари аниқланади. “Дўрмон баҳори” форуми эса бадий таржима орқали Ўзбекистондаги русийзабон адабиётини ўзбек ўқувчисига, ўзбек адабиётини рус ўқувчисига етказиш масаласини муҳокама қилади.

Ҳозир ўзбек таржимачилигини янада ривожлантириш учун зарур бўлган барча таъ-заминлар мавжуд. Ёзувчилар уюшмаси мана шу таъзаминдан кўмак олиб, миллий адабиётимизни янги анъаналар билан бойитиш, шу билан бирга, ўзбек адабдорларини жаҳон миқё-сида танитиш асосларини яратишга инти-лмоқда.

— **Бадий таржима фаолиятининг асосий йўналишлари қандай, бу борада қайси мамлакатлар билан алоқалар фаол, шунингдек, қайси ўзбек ёзувчисининг асарлари хорижий тилларга, қайси хорижий ёзувчининг асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, адабий жамоатчилик ва ўқувчилар ўртасида катта қизиқиш уйғотган?**

— Ўзбек замонавий бадий таржимачили-гининг қамрови жуда кенг. Бунга амин бўлиш учун биргина “Жаҳон адабиёти” журналини варақлаб кўришнинг ўзи кифоя қилади. Январ сонида Канада, Колумбия, жималар илгари фақат рус тили орқали амал-га ошириб келинган эди. Сўнгги пайтларда асарини аслиятдан ўғириш амалиёти кучайиб борапти.

Иброҳим Ғафуров, Абдулла Шер, Мирзали Акбаровдек устозлар ортидан келаётган Алишер Отабоев, Абдуқаҳор Иминов, Шахноза Раҳмонова, Фурқат Соатов, Давронбек Мамарасулов, Қандилат Юсупова, Назира Юсупова каби таржимонлар бугунги кунда инглиз, немис, француз тилларида ёзилган насрий асарларни бевосита аслиятдан таржи-ма қилаётди. Шарқ адабиёти, хусусан, туркий тили адабиёт вакиллари ижодини аслиятдан ўғираётган Тоҳир Қаҳҳор, Муртазо Саидмурад, Шорустам Шомусаров, Музаффар Аҳмад, Бобохон Муҳаммад Шариф, Шермурод Субҳон, Шахло Қосимова ортидан келаётган янги авлод — Дилфарўз Муҳиддинова, Шахло Аҳмедова, Раҳмат Бобожон, Севара Алижоновна, Зилола Абдуғафурова, Жасур Зиямухамедов, Алишер Сабрий араб, турк, корей, хитой, форс тилларида яратилган асарларни аслият-дан ўзбек тилига ўғирмоқда.

Бугунги кунда Ёзувчилар уюшмаси етти мамлакат — Туркия, Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Беларусь Ёзувчи-лар уюшмалари ва Саудия Арабистонидаги иккита илмий-адабий ташкилот билан ҳам-корлик ҳақида меморандум имзолаган. 2023 йилда ушбу ҳамкорлик доирасида Қозғистон-нинг “Тан-шолпан” журналида 27 нафар ёзувчи ва шoirимизнинг шеър ва ҳикoyalари қозоқ тилида чоп қилинди. 2024 йилда Абдул-ла Қодирийнинг “Уткан кунлар” асари араб тилида Мисрда ва Саудия Арабистонида нашр этилган бўлса, ушбу ўлмас асар шу йилнинг ўзига хитой тилида Пекинда нашр этилди, Ут-кир Хожимовнинг “Дунёнинг ишлари” қис-саси инглиз тилида АҚШда, Боқуда Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романи озар-байжон тилида, Нормурод Норқобиловнинг насрий тўплами турк тилида босилди. 2025 йил Москвада “Антология узбекской поэзии” китобининг 3-жилди, “Уткан кунлар” романи қирғиз тилида, Анвар Обиджоннинг “Меш-полвон” қиссаси хинд тилида, Муҳаммад Али-нинг “Клеопатра” романи рус тилида нашр қилинди. Бу маълумотлар бугунги адабий ало-қалар денгизидан бир неча томчи, халос.

— **Туркий халқлар адабиётининг юз жилдиги ўқирманларга тортиқ қилинган эди. Халқаро жамоатчиликнинг муносаба-ти қандай бўлди?**

— “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдлик асарлар мажмуаси 2022 йилда чоп этилган бўлса-да, қардош ўлкалардаги ада-бий ташкилотларнинг ҳайратлари ҳануз тинма-ган. Чунки бундай кўламдор, катта лойиха туркий тили бошқа мамлакатларда амалга оширилмаган. Утган давр ичида мажмуа тақ-димотлари Туркия, Озарбайжон ва Қирғизис-тонда ўтказилди, бир қанча халқаро китоб яр-маркаларида намойиш этилди. Мажмуа барча вилоят ва олий ўқув юртлири кутубхонала-рига топширилган, Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятида бу мажмуани нашрга тайёрлаган ижодкорлар билан учрашувлар, тақдимот-лар бўлиб ўтди. Ушбу мажмуа туркий тили адабиётининг бор салобатини намойиш этиш баробарида китобхонлар учун туркий тили давлатлар адабиёти қиёфасини ўзда жамла-ган беқиёс нашр, ўзбек бадий таржимачи-лигининг иқтидорини кўрсатадиган намуна бўлиб қолди.

Ҳозир кейинги икки-уч йилга мўлжаллан-ган иккита катта лойиха бошланмоқда. Бу-лар “Туркий эллар фольклори дурдоналари” ва “Жаҳон болалар адабиёти дурдоналари” 100 жилдликларини ўзбек тилида нашр этиш

вазифасидир. Агар “Туркий эллар фольклори дурдоналари” муайян жуғрофик ўлчам билан кифояланса, “Жаҳон болалар адабиёти ду-рдоналари” асарлар мажмуаси бешта қиъта болалар адабиёти вакиллари ижодини қамраб олади. Яъни 5 та қиътадаги 65 та давлатда ис-тиқомат қилаётган болалар шоирлари ва ёзув-чилари асарлари ўзбек тилида чоп этилади. Шу кунгача “Жаҳон болалар адабиёти ду-рдоналари” 100 жилдликга жами 428 муалли-фининг асарлари киритилиши аниқланган ва бу рақам нашр ишларига тайёргарлик жараёни-да янада кўпайиши мумкин.

Шундай кўламдор лойиҳалар истеъдодли таржимонларнинг бошини олиб келади. Жамият-нинг глобаллашуви ва маданий мулоқотнинг тақозо қилади. Ёзувчилар уюшмаси ташкил қилаётган анжуманлар, конференция ва ёш-лар учун маҳорат сабоқлари янги лойиҳалар-га тайёргарлик ишларини мувофиқлашти-ришда катта аҳамиятга эга.

— **Бугунги кундаги таржима асарлари-нинг маънавий қиёфаси нимага қараб бo-лиқ ҳолда шаклланимоқда?**

— Бу ҳақда гапирганда, бир неча муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Жамият-нинг глобаллашуви ва маданий мулоқотнинг ортиши билан таржима асарлари нафақат адабиёт соҳасида, балки умумий маданий ҳаётда ҳам муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир таржима асари бир маданиятни бошқасига кўчиришнинг бир қирраси бўлиб, унинг маъ-навий, адабий ва ижтимоий қиёфаси ҳар хил омиллардан таъсирланади.

Глобаллашув кучайиши билан маданий алмашинув янада тезлашди. Бу эса турли халқлар, миллатлар ва маданиятлар ораси-да адабий алоқаларни кучайтирди. Таржима асарлари ушбу жараёнда муҳим восита сифа-тида хизмат қилади.

Таржима асарлари тил ва ундаги маънавий хусусиятларни сақлаш ёки ўзгартриш орқали ўз маънавий қиёфасини олиб келади. Таржима асарларининг маънавий қиёфаси шундан иборатки, улар одатда маъноларнинг ёрқинлиги, образлар, рамзлар ва сезиларли конверсия-сига таъсир кўрсатади. Маънавий таъсирнинг юзага келиши чоғида таржимоннинг шахсий ёндашуви, ижодий қобилияти ва маданий би-лиmlари муҳим роль ўйнайди.

Бадий адабиёт таржимасида глобал иж-тимоий муҳитнинг кучли таъсири сезилмоқ-да. Бошқа мамлакатлардан келган асарлар кў-пинча ўша юртлардаги ижтимоий ва сиёсий ҳолатларга ҳамда умумий инсон ҳуқуқлари, адолат, инсон ҳуқуқларига оид фикрларни ўз ичига олади. Бундай асарлар глобал маъна-вий қиёфа билан ҳаммаюғ бўлади.

Бугунги кундаги таржима асарларининг маънавий қиёфаси жамиятнинг глобалла-шуви, маданий-ижтимоий муҳит, тилининг ўзгариши ва маданий алмашинувлар билан боғлиқ. Таржима асарлари ҳам ижодий, ҳам маданий, ҳам маънавий нуқтан назардан катта аҳамиятга эга. Маънавий мезонлар ва маданий хусусиятларни аниқлаш ва уларни сақлаш таржимоннинг энг муҳим вазифаси даражасига кўтарилган.

Ўзбек таржимонлари мана шундай ша-роитда миллий адабиётимизни бойитиш йўлида меҳнат қилмоқда. Айтиш керакки, бадий таржима ижодкорнинг танилишида-ги энг муҳим воситадир. Шу маънода, ўзбек адабий муҳитига кириб келиши исто-вий хорижий ижодкорлар талайгина. Лекин улар-дан фақатгина халқимиз менталитетига мос, унинг бадий тафаккурини кенгайтирувчи, умуминсоний тамойиллар руҳидаги асарлар-гина ўзбек адабий майдонига кириб келиши керак. Таржимонлар эса бу борада чинакам заргар вазифасини ҳам бажаради. Бир томон-дан, таржима учун чинакам маънавий қи-матга эга асарни танила олса, иккинчи томон-дан, ушбу асарнинг асл қимматини сақлаган ҳолда таржима қилишга интилади.

— **Сўхбатдош: Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири**

Сўхбатдош: Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

GAZETADAGI MATERIALLARNI LOTIN ALFABITIDA OSONLASH VA OSONLASH QO'YILGAN O'ZBEK ALFABITIDA O'QISH UCHUN MAZKUR QR-KODNI SKANER QILING.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Бюрогма Г-1246.

34211 нусxada босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева

Мусахҳих: Насиба Абдуллаева

Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 00:40 Топшириди — 00:45